

**Ф.Хўжаев, К.Рахимқулов,
Б.Нигманов**

Ҳаракатли ўйинлар

Мундарижа

1. Кириш
2. I – боб Ҳаркатли ўйинни келиб чиқиши тарихи
3. II – боб Ҳаракатли ўйин ҳақида асосий тушунча
4. Ҳаракатли ўйинларни педагогик аҳамияти
5. Ҳаракатли ўйинларни гигиеник ва соғломлаштириш аҳамияти
6. Ҳаракатли ўйинларни таълимий аҳамияти
7. Ҳаракатли ўйинни тарбиявий аҳамияти
8. Кичик мактаб ёшидаги болалар учун бериладиган ҳаракатли ўйинларни таснифи
9. Кичик ёшдаги ўсмирлар учун бериладиган ҳарактли ўйинларни таснифи
10. Ўсмирлар ва қизлар учун бериладиган ҳаракатли ўйинларни таснифи
11. Ўспирин ва қизлар учун бериладиган ҳарактли ўйинларни таснифи
12. Ҳаракатли ўйинни ташкил қилиш ва ўтказишга қўйиладиган педагогик талаблар
13. Ўйин раҳбарларининг асосий вазифалари
14. Ўйинни ўтказишга тайёргарлик кўриш
15. Ўйинчиларни жойлаштириш ва тушунтиришда раҳбарни жойи
16. Ўйинни тушунтириш
17. Капитанларни тайинлаш бўйича бўлиш усули
18. Команда капитанларини сайлаш
19. Ёрдамчиларни тайинлаш
20. Ўйин жараёнига раҳбарлик қилиш
21. Хакамлик қилиш
22. Ўйин жараёнидаги юкламани тақсимлаш
23. Ўйинни тамомлаш
24. III – боб Ҳарактли ўйинларни ташкил қилиш шакиллари, жисмоний тарбия дарсларида ҳарактли ўйинларни ўтказиш методикаси 1 – 4 синф ўқувчилиручун ҳарактли ўйинлар
25. 5 – 6 синф ўқувчилари учун ҳарактли ўйинлар
26. IV – боб Мактабда дарсдан ташқари вақтда ҳарактли ўйинларни ўтказиш методикаси
27. Танаффус вақтида ўтказиладиган ўйинлар
28. Мактаб кечалари ва байрамларида ўтказиладиган ўйинлар
29. Мактаб секцияларида спорт турлари бўйича ўтказиладиган ўйинлар

Кириш

Болаларнинг жамоатчилик, меҳнатсеварлик ва жамоат олдида ўз бурчини хис қилиш руҳида тарбиялаш хозирги куннинг энг муҳим масалалари ҳисобланади. Бола мактабга қадам қўйган биринчи кунидан бошлабоқ, унда меҳнатга нисбатан муҳаббат уйғотиш, уюшқоқлик, шучанлик ва бошлаган ишини охирига етказа билиш хусусиятини тарбиялаш керак. Бунинг учун тарбиянинг барча воситаларидан, жумладан болаларни севимли ўйинларидан фойдаланиш айни муддодир.

Ўйинлар ҳаётдаги тўсиқларни енгиш хамда ҳар хил хислат ва қобилятларни рўёбга чиқариш билан боғлиқ бўлган жисмоний машқларнинг турли мажмуасини ўз ичига олади. бундан ташқари, одатда, болалар севиб ўйнайдиган уларга баҳт, қувонч баҳш этадиган мусобақа элементлари ҳам ҳаракатли ўйинларга киради.

Ҳаммамизга маълумки, кичик мактаб ёшидаги болаларнинг ўйинлари тақлид қилиш табиатида бўлади. Бола теварак атрофидаги борлиқни кузатади, ундаги баъзи нарсаларни ўйинга киритади ваш у ўйин воситасида ўзини қуршаб турган оламни билиб олади, шундай экан, унда турмуш ходисаларига нисбатан муайян муносабат пайдо бўлади.

Ушбу ўқув қўлланма тўрта бобдан иборат бўлиб биринчиси – ҳаракатли ўйинларни келиб чиқиши тарихи, иккинчиси – ҳаракатли ўйинлар ҳақида асосий тушунча ва педагогик аҳамияти, учинчиси – ҳаракатли ўйинларни ташкил қилиш шакиллари, жисмоний тарбия дарсларида ҳаракатли ўйинларни ўтказиш методикаси, тўртинчиси - Синфдан ва мактабдан ташқари вактда ҳаркатли ўйинларни ўтказиш методикаси киритилган бўлиб ўйинларни ўргатиш ва ўтказиш методикалар ҳар томонлама ёритилган.

Бунда баён этиладиган ўйинлар, чунончи юриш, югуриш, сакраш, улоқтириш, тирмасиб чиқиш каби машқлар бола ҳаракатларини ривожлантириш ва такомиллаштиришда катта аҳамиятга эга бўлади. Ўқувчиларда ҳаракатларни такомиллашиши билан бирга, жисмоний қобилят ҳам тараққий эта боради, юрак ва нафас олиш системасини фаолияти яхшиланади.

Ушбу ўқув қўлланма келажакни жисмоний тарбия ўқитувчиларига, талабаларга, тарбиячилар, коллежларни ўқувчилари учун ҳам фойдали бўлади.

ҲАРАКАТНИ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ТАРИХИ.

Тарихий маълумотларга қараганда ибтидоий овчилар ҳаётида овчилик ўйинлари муҳим ўрин тутган. Баъзи манбаларда улар овдан олдин ўтказилиши ёзилган бўлса, бошқаларида овдан сўнгги ўйинлар ўйинлар ҳақида фикрлар баён этилган. Агар бу маълумотларни чуқурроқ тахлил этадиган бўлсан, унда овчилик ўйинлари овдан олдин ҳам, ундан сўнг ҳам ўтказилган, дейиш мумкин. Овдан олдинги ўйинлар – аввалда машқ (овга тайёргарликни текшириш, овга руҳий ва жисмоний тайёргарлик) вазифасини ўтаган ҳамда жиддий ўзига хос кичик ибтидоий одамлар ўлжани осонгина кўлга тушириш, унга яқинлашишни ўрганишган, бунинг учун никоб кийиб, хайвон қиёфасига тушишни, унинг юриш-туришлари ва товуш чиқаришларини машқ қилишган. Айнан ана шундай ўйинлар жараёнида ёшларни ҳам ов қилишга ўргатишган. Шу боисдан ҳам у ўзига хос мактаб

вазифасини ўтаб, бир томондан, овчилар махоратини ўстиришга ёрдам берган бўлса, иккинчи томондан эса, уларда тақлид санъатини шакллантирган ва ривожлантирган.

Овдан сўнги ўйинлар ов мувоффақиятли тугагандангина уюширилган деб таҳлил қилиш мумкин. Чунки обдон ўлжа билан қайтиш, бу зиёфат, хурсандчилик қилишга, бутун жамоанинг байрам қилишига имкон яратган.

Ўрта Осиё территориясида ибтидоий одамлар хаётида ҳам овчилик ўйинлари бўлган деган таҳминий исботни биз палеолит даври Бойсун тоғидаги Тешиктош горидан бундан юз минг бурунги песпертолъ (ўрта палеолит) одам суюгини топилиши, Самарқандаги Омонкўтон қишлоғидаги гордан топилган тош қуроллар. Сурхандарёнинг Заркўт камарида олвон рангдаги суратлар. Хўжакент қишлоғидаги тошларга чизилган кийик ва хўқиз тасвири ва бошқа кўпгина археологик топилмалар ва улардаги тасвирий санъатга оид элементлар, бу ракс ўйинларининг, шу жумладан болалар фольклор ўйинларининг энг содда шахобчаларга эга эканлигидан далолат берибгина қолмай, балки унинг туғилиши босқичларини аниқлашга ҳам ёрдам беради. Мазкур суратларда ибтидоий кишиларнинг қадимги овчилиги, ҳайвонат ва табиий борлиқ билан боғлиқ ритуаллар акс этиб, ов вақтида жаниворлар терисидан ниқоб қилиб юришлари, бир томондан ов жараёнида ёввойи ҳайвонларни хуркитиб юбормасликни кўзласа, иккинчи жихатдан, уларнинг тушунча ва эътиқодларини этнографик ҳамда урф-одатлари, қадриятларининг ҳам ифода этади. Фарғонанинг Саймалитош тоғи ғорларига чизилган расмлар (Эрамиздан олдинги II-I асрлар) ҳайвон терисини ёпиниб, ўйинга тушаётган ишкор маросимларидан далолат беради. Ҳайвонлар тўдасига яқинлашиш учун ибтидоий одам ҳайвон ёки қушларга айнан тақлид қилиш, бунинг учун эса уларнинг ўзига хос хусусиятларини, юриш-туришларини, ўтлашларини, бир-бирлари билан олишишларини, хуркиб қочишларини, ҳатто товушларини ҳам ўрганишга тўғри келарди. Нихоят, ёввойи ҳайвонларни ов лиҳ шартшароити одамнинг чаққон ва абжир, жасур ва толиқмас бўлишини, бунинг учун доим тинимсиз шуғулана боришини талаб қиласи. Буларнинг хаммасини ўз навбатида ибтидоий одамда жисмоний - ритмик ҳаракатнинг феъли ёки табиат ходисаларига тақмод қилувчи пантомим ҳаракат ва ўйинларнинг, қаҳрамонлик рақсларининг туғилишига олиб келар эди. Тоғ қоялари ва ғорларда чизилган суратлардаги ўйин тасвири мазмун-маъно, ва шакл-шамойил жихатдан турларига ҳарактерга эга. Айримлари ов ва меҳнат жараёнини, баъзилари эса табиат стихияларига тақлид шаклида, бошқалари жанговорликни, афсунгарликни, имо-ишора ва понтомима саънатини эслатади. Дастрлабки пайтларда шавқинли бетартиб ўйинлар бора-бора мусиқавий оҳанг пантомим ҳамда пластик ҳаракатлар орқали амалга оширила бошланган кейинги даврларда, бундай этнографик талқиндаги ўйинлар турли шаклларга кўчиб “Айиқ ўйини”, “Дев ўйини”, “Маймун ўйини”, сўнгра “Пишиқ ўйини”, “От ўйини”, “Юмрон қозиқ ўйини”, “Эчки ўйини”, “Бўри ўйини”, “Калтак ўйини”, “Бургут ўйини”, “Ит ўйини (иррилатар ўйини)”, “Қуён ўйини”, “Тулки ўйини”, “Жак-жаку ўйини” каби кўпгина ўйинлар, пантомимлари авлоддан-авлодга ўтиб суяқ суриб келаётгани маълум. Улар бевосита, ёхуд билвосита болалар фольклор ўйинларига алоқадордир. Шу тариқа “ўйин” сўзи туркий халқарининг ўйнамоқ сўзи билан боғлиқ ҳолда (уй, ақл, хикмат маъноларни беради). Ақл фақимни, ҳаракат ва имо-ишоралар воситасида ифода этмоқлиқ эса ўйинларнинг дунёга келишида мухимдир.

Ўзбек анъанавий болалар фольклор ўйинларининг мавзу қамрови, ижро услублари жуда кенг. Ижтимоий ҳаёт, кишилар муносабатларининг бирон бир жабхаси йўқки, улар ўйинлар назарига тушмаган бўлсин. Халқимизнинг дехқончилик, чорвачилик, боғдорчилик, полизчилик, маданияти дейсизми, касб-хунар ва илим-билим соҳаси дейсизми, фалсафий, эстетик, ахлоқий ёхуд таълим-тарбия, ахлоқ-одоб бобидаги қарашлари дейсизми-барчаси анъанавий ўйинларга мавзудир. Хусусан, ўзбек болалар фольклор ўйинлари бошдан оёқ маънавий, маърифий, ахлоқий тушунчалар билан йўғилган. Халқимизнинг минг-минг йилларда босиб ўтган тарихий йўлида, тажриба-синовлардан қайта-қайта ўтиб, яхлит ва мукаммал ҳолга келиб, биззага етиб келган болалар фольклор ўйинларнинг мазмуни йўналишига қараб қуйидагига турларга бўлиш мумкин.

1. Мавсумий болалар фольклор ўйинлари: илк баҳор, ёз, қиши мавсумларида ўйналадиган фольклор ўйинлар.
2. Маросим болалар фольклор ўйинлари: расм-руссимлар, одатлар, маросимлар, анъанавий байрамларда ўйналадиган ўйинлар.
3. Мехнат билан боғлиқ болалар фольклор ўйинлари: “Ерни тобиги келтириш, хайдаш”, “Экин экиш”, “Қовун-қовун”, “Үрик қоқиши”, “Қовун сайли”, “Янчик”, “Хуш-хуш”, “Чурей-чурей”, “Сигр соғди”, “Туя қайтариш”, “От сұғарыш” ва бошқалар.
4. Оиласиң-маиший болалар фольклор ўйинлари: “Меммон-меммон”, “Келин тушириш”, “Келин-куёв”, “Она бола”, “Овқат пишириш”, “Уй жихозлаш”, “Құғирчоқ ўйини”, “Нон ёпиш”, “Эр-хотин”, “Алла-алла”, “Бешик безаш”, “Бешикка белаш” ва бошқалар.
5. Жисмоний ҳаракатли болалар фольклор ўйинлари: “Қувлашмачоқ”, “Кескес”, “Күрпа ёпилди”, “Зийрак”, “Ғоз-ғоз”, “Коптокни қувиб ет”, “Олар сока”, “Оқ сұяқ”, “Тұп-тош”, “Синиш”, “Чиқилдоі”, “Чопиши”, “Зув-зув”, “Оқ теракми-құқ терак”, “Эшак минди”, “Ланка”, “От ўйини”, “Қиз қувди” ва бошқалар.
6. Мантиқий болалар фольклор ўйинлари: тез айтишлар, топишишмоқни топиши ўйинлари, санимоқлар, айтишувлар, савол жавоблар, ўйлаб топлар, хотираны тиклашлар, чамалашлар ва бошқалар.
7. Ҳайвонлар ва табиат ходисалари билан боғлиқ болалар фольклор ўйинлари.
8. Эрмак болалар фольклор ўйинлари.
9. Мусиқа ўйинлари.

Халқ ўйинлари, жумладан болалар фольклор ўйинлари, энг қадим вақтларда бошлаб халқ хаёти тарзини, маңнавий-маърифий, жисмоний тайёргарлигини, эстетик дүнәқарашини мужассамлаштирган холда шу кунимизга қадар ўсиб, мазмун мақсадига күра тераңлашиб бизга етиб келгандир. Бошқа санъат турларидан фарқлиги ўлароқ ўйинларда халқ рухияти, психологияси, колорити, ёш авлод тарбиясига бўлган муносабатида ёрқин акс этади.

Тарихий маънбаларга қараганда, кечки полеолит даврида (тажминан милоддан 40-41 минг йил илгари) ер юзининг шмолий қисмидаги Тотемга оид “Айик байрамлари” бўлган. Тотем – айикқа бағишиланган афсоналардан бу байрам хақида баъзи маълумотларни топиши мумкин (уларнинг бирида айик одамларни оғатдан сақлаб қолади, бунинг эвазига қобилининг энг гўзал қизини айикқа турмушга беришади. Улар ўртасидаги тўй тасвиридаги “Айик байрамига” оид баъзи элементларини билса бўлади). Шуни эслаб ўтиш керакки, “Айик байрамларинг вариантлари ва элементлари Сибирь халқаларининг баъзиларида XX аср бошларида ҳам сақланган ва бундай байрамларда айик образидаги киши бош қаҳрамон бўлиб, у айик ҳарактерини қилиб, рақсга тушиб юрган. Ўрта Осиёда эса “Айик ўйини” (понтомимик рақс сифатида) кейинги вақтларга етиб келган. Хатто хозирги кунда ҳам Ўзбекистон Республикаси худудида ва шунингдек Туркия, Хиндистон, Кавказ каби жойларда кўчаларда айик ўйнатиб юрган одамни яъни айикчини кўриш мумкин. Улар одамлар ғовжум жойларда кичик томоша кўрсатиб юришади. Балки бу қадимги айик ўйинидан бизгача етиб келган элементларнинг бир бўлаги бўлиши ҳам мумкин.

Мехнат тақсимотининг вужудга келиши муносабати билан қадимги одамларнинг чорвачилик ва дехқончиликка ўтиши (Бу жараён Ўрта Осиёда миладдан олдинги III- минг йиллик охири II- минг йиллик бошларига тўғри келади) ана шу янги соҳага оид одат, маросим ва ўйинларни вужудга келтира бошлади.

Маълумки, дехқонларнинг хаётида энг қувончли вақиа-бу хосилни йигиш ва янги ноз-нематларни тотиб кўриш жараёни бўлган. Йил бўйи кутилган бундай жараён, табиатни, дехқонларда байрам кайфиятини вужудга келтирган. Бундай кўтариинки кайфиятни ҳаракатларда акс эттириш мақсадида кишилар ўйинлар ва маросимларни ташкил қилган,

“Меҳнат ўйинлари” яхши кайфият, кенг маънода айтганда, байрам холатини вужудга келтирган. Броиза даврларидан бошлаб ўтроқ дехқончиликнинг вужудга келиши ва унинг тез ривожланиши натижасида баҳорда меҳнат мавсумига киришиш, кузда хосилнинг йиғиб олиш якунига бағишлиланган байрамлар ва ўйинлар шу тариқа юзага келиб, улар йиллар ўтиши билан анъянага айлана бошлаган. Демак инсонинг “Биринчи касби” - овчилик асосида – “Овчилик ўйинлари” вужудга келган бўлса унинг дехқончиликка ўтиши ва у билан шуғулланиши натижасида “Меҳнат ўйинлари” шаклланиб, янги меҳнат ўйинлари ва байрамлари учун замин яратган.

Аду Райхон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлари” асари муҳим рол ўйнайди. Аниқса “Наврӯз” кунларида ҳар хил мусобақалар ва ўйинлар “Кўпкарра, кураш”, “Экин экиш”, “Хўрзлар жангি”, пойга байрамининг кўрки саналган. Шу билан бирга бедана, хўрз, кўчкор уриштириш ўйинлари ҳам ўтказилган.

Шунинг учун халқ ўйинларининг дастлабки намуналари инсоният онги, тафаккури билан боғлиқдир. Унинг пайдо бўлишида ўша давр шарт-шароитлари, одамларнинг ов ва турмуш тажрибалари, дунё қарashi, урф-одат ва маросимлари асосий рол ўйнаган. Аввало оддий оғзаки баёнинг дастлабки намуналари пайдо бўлган. Улар нихоятда содда бўлиб, турли хилдаги ундов хитоблар ва воқиалар баёнидан иборат бўлган. Ов жараёни ҳамда тафаккурнинг ривожланиши воқиа ва ходисалар талқинида оддий баёндан образли тасвирилашга олиб келди.

Энг қадимги халқ ўйинлари намуналари ёзув юзага келмасдан анча илгари пайдо бўлган. Илк халқ ўйинлари асл ҳолда, тўлалигича бизга етиб келмаган. У отадан – болага, авлоддан-авлодга ўтиб ҳар бир ўйин турли хил ижтимоий-иқтисодий босқичларни босиб ўтганлиги сабабли унинг шакли ва мазмунида янги-янги варианatlари юзага келган.

Халқ ўйинларининг энг қадимги намуналари баъзи тарихий ёдгорликлар, илмий асар ва ёдномалар орқалигина бизга етиб келган. Энг қадимги ўйинлар, жангномалар, мифлар, афсона ва ривоятлар, қаҳрамонлик эпослари, саноклар, рақслардан ташкил топган.

Жаҳонга машҳур бўлган олим, тиббиёт илмининг буюк номояндаларидан бири Абу Али ибн Сино тиббиётда жисмоний машҳарнинг роли катта эканлигини илмий асослаб, ўша вақтлардаёқ халқ миллий ўйинлари ва миллий кураш хақида қимматли фикирларни ёзib қолдирган. Масалан, у қуйидаги ўйинларни “Ёйдан ўқ отиш”, “Кичик курролар билан човгон ўйинлар”, “Бир оёқда сакраш”, “Юқоридаги бир нарсага иргиб осилиш”, “Найза отиш”, “Тош кўтариш” ва шунга ўхшаш ўйинларни ёзib қолдирган. Унга теварак-атрофидаги шахслар сен билимдон ва ақлли ўзинг болаларга ҳар хил фанлардан билим берасан у, яна улар билан ўйнайсан, деганлар, Ибн Сино бундай танқидий мулоҳазага: “Инсон хаётининг ҳар бир даври ўзининг гўзаллигига эга. Болаликнинг хусусияти эса ўйин” деб жавоб берган эди.

XI асрда яшаб, ижод этган Маҳмуд Қашғарий “Девону лугатит - турк”, яни туркий сўзлар девонини тузиб чиқди, унда халқ ўйинларининг 150 га яқин турлари тилга олинади ва шундан 20 га яқин ўйинларга таъриф берилади. Олим ўйин турлари, ўйинларнинг бола ва катталарнинг ёш хусусиятларига нисбатан тақсимоти, машғулот, мусобақа турларини баён қиласди. Маҳмуд Қашғарий баёнида ўйинлар нафақат жисмоний, балкий ақлий машғулотларга ҳам бўлинадики, улар дикқат билан ўрганилишга лойик. Хозирда биз “Спорт мусобақалари” - деб қўллаб юрган ибора, Маҳмуд Қашғарий девонида “бахс” атамаси билан берилган. Бундай “бахслар”нинг турлари кўп бўлган. Масалан, мерганлиқда баҳс қилмоқ, ўқ ёй отиб қуш ва хайвонларни овламоқ, шунингдек, арқон тахтали сопқонларда тош отмоқ баҳси. Буни “Олтин қовок” ўйини деб атаганлар. Девонда бундай баҳсларнинг қоида ва шартлари, хиллари, ғолибларга бериладиган совринлар, асбоб-анжомларнинг номлари бешфасил баён этилган Куриш баҳси ҳам турлича бўлган, чунончи, боғдоди, чалиш, енг силкиш, буйин іайтариш, балиқ ови, овчилик баҳслари шулар жумласидандир.

ҲАРАКАТЛИ ЎЙИН ХАҚИДА АСОСИЙ ТУШУНЧА.

Үйин – тарихий ташкил топган ижтимоий вөқа, мустақил фаолият тури, кишига хосдир.

Үйин фаолияти жуда ҳам турли-тумандир: үйинчоқлар билан үйналадиган болалар үйинлари, стол үйини, доира бўлиб үйналадиган үйин, ҳаракатли үйинлар, спорт үйинлари.

Үйин ўзи-ўзини билиш воситаси, үйин-кулги, дам олиш, жисмоний ва умумий ижтимоий тарбия воситаси, спорт воситаси бўлиши мумкин.

Үйин маданияти элементи сифатида жамиятни барча маданияти ва кишиларнинг ҳар хил эҳтиёжлари билан ривожланади: үйин-кулги, дам олишда, маънавий, ақлий ва жисмоний кучни ривожланишида катта ўрин эгаллади.

Үйин фаолияти- нафақат маданиятни бир элементи хисобланади, балки у болалар ва ўсмирларни тарбиялашда ҳам фойдали восита хисобланади. У ҳардоим мақсадга йўналтирилган ва турли-туман мақсадли йўл-йўриқ ҳамда асосланган ҳаракат билан ўзига хос хусусиятни кўрсатиб туради. Үйин фаолияти кўпроқ меҳнат билан умумийликка эга, айниқса болалик даврида. Бирок үйин жараёнида хаётий эҳтиёжларни қондириш учун киши моддий бойликни яратолмайди.

Үйин-жуда ҳам қувноқ жўшқин фаолиятидир, шунинг учун у ёшлар ва болалар билан тарбиявий иш олиб боришда катта бойлик касб этади. Үйинни турли-туманлиги катта-кичиклар орасида айниқса ўсмирлар ва болалар ўртасида энг кенг тарқалгани бу ҳаракатли үйинлардир. Улар эса ушбу ўқув қўлланма фани хисобланади.

Ҳаракатли үйинларни ўзига хос фазилати үйинни мазмуни ҳаракатни ролини ёрқин ифода қилиш хисобланади (югуриш, сакрашлар, улоқтириш, отиш, тўпни узатиш ва илиб олиш, қаршилик кўрсатиш ва б.к). Бу ҳаракатлантирувчи ҳаракатланиш уни мазмунини асослаб беради (мавзуу, ғояси). У үйинда қўйилган мақсадга эришиш йўлида, турли-туман қийинчиликларни, тўсиқларни енгиб ўтишига йўналтирилади.

Ҳаракатли үйинларни орасида ҳақиқатдан ҳам (элементар) ҳаракатли үйинлар ва спорт үйинлари билан фарқ қиласди. Ҳақиқатан ҳам (элементар) ҳаракатли үйинлар үйновчиларнинг ўзларини ихтиёрий равишида ўрнатилган, мақсадга шартли равишида эришишга йўналтирилган, ўзида онгли равишида ташаббускорлик фаолиятини мужассамлаштирган бўлади. Үйновчиларнинг мақсадга эришишда фаол ҳаракатлантирувчи ҳаракат талаб қиласди, уни бажариши үйновчиларни ўзларининг ижод қилишига ва ташаббускорлигига боғлиқдир (нишонга тезда югуриб бориш, нишонга тез отиш, “Рақибига” тез ва эпчиллик билан етиб олиш ёки ундан қочиб кетиш ва х.к).

Ҳаракатлантирувчи ҳаракатли үйин қоидлари билан белгиланади, уни бажарилишини үйинчилардан ташаббускорлик хулқини ўрнатилган қоидлар чегарасида мос келишини талаб қиласди. Үйин қоидаси мақсадга эришиш йўлида үйиндаги қийинчиликларни ва тўсиқларни характеристерини аниқлайди. Қоидани сони ва мураккаблиги жихатдан үйинни ўзининг мураккаблигига боғлиқдир.

Ҳақиқатдан ҳам ҳаракатли үйинлар үйин қатнашчиларидан махсус тайёргарликни талаб қилмайди. Шунинг учун үйин қоидаси үйин қатнашчиларини ва раҳбарларни (ўқитувчилар) ўзлари ўтказилаётган үйинни шароитига қараб уни ўзгартириб борадилар. Чунки унда үйновчиларни аниқ белгиланган сони, майдонни аниқ катта кичиклиги йўқ, шунингдек асбоб-анжомлар ҳам ўзгартириб турилади (булава ёки кегли, волейбол ёки оддий тўп, кичик коптоклар ёки қум солинган халтачалар, гимнастика ёки оддий таёқчалар ва х.к).

Спорт үйинлари – бу ҳаракатли үйини энг юқори босқичидир. Бунда үйин қоидаси қаътий белгиланган бўлиб, улар махсус майдонга ва жихозларни талаб қилинади. Спорт үйини учун ўзига хослиги үйин жараёнида маълум тактикада ўзини тутиши ва мураккаб ҳаракат техникаси хисобланади. Бу эса үйин қатначиларидан махсус тайёргарликни, тренировкани талаб қиласди. Ҳар бир спорт үйини белгиланган үйинчиларни сонига, маълум майдонча, асбоб – анжомлари хисобланади.

Айрим спорт үйинларида айрим үйинчиларда мутахассислиги бўлиши зарурдир (хужумга, химояга, дарвозабон ва б.к). Спорт үйинлари у ёки бу үйинда қаътий қоидага мос

равишда маҳсус ҳакамлик қилишни талаб қлади. Айрим спорт ўйинларида ўйин қатнашчилари таркибига қараб бирнече марта (ўқувчилар ёки катталар, эркаклар ёки ўсмир қизлар) ўзгартирилиши мумкин.

Спорт ўйинлари спорт тури хисобланади. Булар бўйича ҳар хил даражадаги мусобақалар ўтказилади. Натижада спорт ўйинлари бўйича ўтказиладиган мусобақаларда энг яхши ўйинчиларга спорт разрядлари ва унвонлар берилади.

Айрим ҳаракатли ўйинлар (Масалан, “Лапта”, “Волейбол” ва б.к) машғулотни мақсади, кўрсатмаси ва уни ташкил қилиш усуулларига боғлик ҳолда, айрим холатларда ҳақиқатдан ҳам ўзи характеристига қараб ҳаракатли (элементлари) ўйин деб юритилади, бошқалари эса спорт ўйинлари сифатида ўтказилади. Масалан, ўйин қатнашчилари тасодифан йигилиб қолганда (дам олиш ўйинларида, сайрларда) улар ҳақиқатдан ҳам ҳаракатли ўйин характеристига эга бўлади.

Ҳаракатли ўйинлар ёшларни, болаларни умумий жисмоний тайёргарлик воситаси сифатида фойдаланилади, шунингдек спорт ўйинларига ва бошқа спорт турларига ва “Алпомиш” ва “Барчиной” тест меъёrlарини топширишга тайёрлаш воситаси бўлиб ҳам хисобланади.

Ҳаракатли ўйинлар ўзига хос бўлиши мумкин (якка тартибда), у хаммадан кўпроқ тез-тез болаларни ўzlари томонидан (тўп ўйини, аргамчи билан, чамбаракни айлантириш ва б.к) ташкил этилади. Улар тарбиячи педагог ва етакчилар томонидан болаларни фаол дам олишини ташкил қилиш мақсадида фойдаланиши мумкин (танаффусда, куни узайтирилган гурухда ва бошқа холатларда).

Жамоа бўлиб ўйналадиган (гурух) ҳаракатли ўйинлар алоҳида педагогик аҳамиятга эга бўлади, чунки уларда ўйновчи гурухлар, синфлар, звенолар, бўлимлар, спорт секциясида шуғулланувчилар қатнашадилар.

Жамоа бўлиб ўйналадиган ҳаракатли ўйинлар хар доим мусобақалашиш элементи ўзига хос бўлиб (ҳар бир киши ўзи учун ёки ҳар бир киши ўз жамоаси учун), шунингдек белгиланган мақсадга эришишида қизиқиши уйғотишида бир-бирига ёрдам бериш, ўзаро ёрдамдан иборат бўлади. Жамоа ўйинлари учун ўзига хослиги шундаки, ўйинда ҳамма вақт холатни ўзгариб туриши, ўйинчилардан тезлик ракциясини талаб қилинадиган бўлади. Шунинг учун ўйин жараёнида ўзаро муносабат ҳардоим ўзгариб туради: ҳар бир киши ўзи учун ёки ўзининг жамоаси учун “Рақибларини” нисбатан энг қулай холатни яратишга интиладилар.

Ҳаракатли ўйинлар бўйича мусобақалар ўтказилади. Уларни алоҳида ўйинлар бўйича ўтказиш мумкин, ўйинга қўйилган вазифа тахминан бир хил синфлар бир хил ёшдаги ўқувчиларнинг жисмоний имкониятларига мос келиши керак. Бироқ ҳаракатли ўйинлар мажмуаси бўйича мусобақа ўтказишни педагогик қиммати шундаки, бунга ҳар хил жисмоний сифат ва малакаларни тарбиялашга ёрдам берадиган, турли-туман ўйинлар киритилади. Ҳаракатли ўйин мажмуаси бўйича ўтказиладиган мусобақада ҳар хил ёшдаги болалар, ўсмирлар, ёшлар ва катталар қатнашишлари мумкин, бироқ ўйиндаги вазифа ҳар хил бўлиши мумкин.

Ҳаракатли ўйин бўйича ўтказиладиган мусобақадаги бу жузий ўзгариш, спорт ўйинлари бўйича ўтказиладиган мусобақаларга кўра улар бир мунча фарқ қиласди, чунки спорт ўйинларида қаътий белгиланган шароитда ва қоида бўйича ўтказишни талаб қилинади.

Ҳар бир ҳаракатли ўйинн ўзининг мазмуни шакли (тузилиши) ва методик хусусиятига эгадир. Ҳаракатли ўйинларни мазмуни қуйидагилардан иборат: мавзу ёки мазмун (ифодали ёки шартли ўйлаб қўйилган иш, ўйин режаси) мақсадга эришиш учун ўйинга кирадиган, ҳаракат ва қоидадир.

Ҳаракатли ўйинларни шакли - қўйилган мақсадга эришиш усуулларини кенг танлаш имкониятига эга бўлиши, ўйин қатнашчиларини ҳаракатини ташкил қилишдир. Ўйин қатнашчилари бир хил ўйинларда ўзининг шахсий қизиқишиларига эришиш учун якка ёки гурух бўлиб ҳаракат қиласдилар бошқаларида эса ўзларининг жамоаларини, ўзларининг

командаларини қизиқишлиарини химоя қиладилар. Шунингдек ўйин учун ўйновчилар хар хил тузилишда ёки шаклда турадилар (сочилиб ёки тарқалиб, доирада, сафда, қаторда).

Ўйин шакли мазмуни билан боғлиқ равишда келиб чиқади.

Ўйинни методик жихатдан ўзига хос хусусиятига уни мазмуни ва шаклига боғлиқдир. Ҳаракатли ўйинлар методик жихатдан ўзига хос бўлади: а) жонлилиги; б) чегараланган қоида бўйича мақсадга эришишда мустақил ҳаракат қилиш; в) қоида билан мос равишда ижодий ташаббускорлик билан ҳаракат қилиш; г) ўйиндаги алоҳида ролларни бажариш, уни мазмунига мувофиқлиги, ўйин қатнашчиларини жамоадаги маълум даражадаги ўзаро муносабати ўрнатилади; д) тўсатдан ўйинда ўзгариб қолиш холати бу эса ўйинчилардан ташаббускорликни, тез реакцияни талаб қиласди; е) ўйиндаги мусобақа элементлари ўйинда жўшқинликни (эмоциональность) оширади ва кучни тўлиқ сарф қилишни талаб қиласди; ж) ўйинда келиб чиқадиган “Келишмовчиликларни” хал этишда қарама-қарши томонлар манфатларини бир-бирига зид қўймоқ эса, юқори даражадаги жўшқинлик тонусини яратади;

Ҳаракатли ўйинлар нафақат восита бўлади, балки болани жисмоний тарбия методи бўлиб ҳам хисобланади. Тарбияда ўйин методини тушунчаси ўйин методикасини ўзига хос хусусиятини инкор қиласди, яъни бу бошқа тарбия жихозларидан уни методи муносабатда бўлишида фарқланади (мусобақа элементи, сюжетни мавжудлиги, мақсадга эришишни турли-туман усуллари, нисбатан мустақл ҳаракати).

Ўйин методи айниқса мураккаблашган ўзгартирилган шароитда ҳаракатни комплекс такомиллаштириш учун фойдаланилади.

Ҳаракатли ўйинлар жисмоний тарбия ва ўйин методи воситаси сифатида жисмионий сифатларни такомиллаштиришга ва тарбиялашга ёрдам беради. Бундан ташқари ҳаракатли ўйинларда гимнастика, енгил атлетика, чанғи ва бошқа спорт турлари машғулотларида алоҳида малака ва кўнімаларни ҳамда таббий ҳаракатларни мустахкамлайди ва такомиллаштиради.

Педагогика амалиётида ҳаракатли ўйинни иккита асосий турларидан фойдаланилади:

1. Эркин, ижодий ёки эркин ўйинлар, бунда ўйин қатнашчиларини ўзлари ўйин режасини белгилайди ва белгиланган мақсадни ўзлари амалга оширадилар. Бу болаларда гўдаклик, мактабгача ёшда ва кичик мактаб ёшида улар ҳаммадан кўра тез-тез мазмунли бўлади, чунки ўйинни мазмунига қараб ролни тақсимланади, шунинг учун уларни психологияда ғўла шаклида ўралган деб аталади. Улар алоҳида ёки бир кишилик ва гурух шаклида бўлиши мумкин.
2. Белгиланган қоида билан ташкил қилинган ҳаракатли ўйинлар, эса унга катта ёшдаги ёки болалар-етакчиларни ўзларини раҳбарлик қилишларини талаб қилинади.

Улар мазмуни ва мураккаблиги бўйича жуда ҳам турли тумандир:

А) Оддий командасиз ҳаракатли ўйинлар, бунда ҳар бир ўйин қатнашчиси, ўйин қоидаларига риоя қилган холда, битта ўзи учун курашадилар. Улардаги барча ўйин фаолиятини шахсий такомиллаштиришга, бошқалар устидан эпчиллик, аниқ нишонга тегизишида, кучда, тезкорликда ва бошқа сифатлар бўйича шахсан устунликка эришишга, йўналтирилган. Бу ўйинларда энг асосий ахамият шахсий ташаббускорликни ва ҳаракат имкониятини, ўзининг шахсий сифатларидан фойдаланишини билиш мақсадга мувофиқдир.

Б) Кўпроқ муракаб, командали ўйинларга ўтишга оид ҳаракатли ўйинлар, бунда ўйновчилар биринчи навбатда ўзларини қизиқишлиарини химоя қилишга айрим пайтларда шахсий имкониятларини, ўртоқларига ёрдам бериш, уларни қутқарив қолиш бўйича, уларни ўйинда хужумчилардан қутқарив қолишга ёрдам берадилар (“Петначи қўлингни бир”, “Югуриб ўтиш”). Баъзи вақтларда ўйинчилар мақсадларига эришиш учун бошқа

ўйинчилар билан вақтінча хамкорликда ишлашга киришишлари мүмкін. Айрим ўйинларда бундай хамкорлық қилиш қоидა бўйича назарда тутилган (“Оқ айиқлар” ва “Товонболик ва чўртон балиқ”).

В) Командали ҳаракатли ўйинлар – бунда ўйновчилар алоҳида – алоҳида команда-жамоаларни ташкил этадилар. Улар ўзларининг шахсий қизиқишлигининг командани қизиқишига бўйсимиш, умумий мақсадга эришишга йўналтирганлиги, командани биргаликдаги фолияти билан таърифланади. Ҳар бир ўйинчини ҳаракатидан командани барча мувоффақияти ҳар бир ўйинчини ҳаракатига боғлиқ бўлади. Команда ўйинларида тез-тез ҳаракатни ўзаро мослиги ва ўйинга умумий раҳбарлик қилиш учун ўйновчиларни орасидан жамоа сардорларини ажратишга имконият пайдо бўлади, бу эса барча учун бўйсимиш мажбурий хисобланади.

Командали ўйинлардан айримлари ярим спорт ҳарактерига эга бўлади: улар кўпроқ ўйини техникаси, ҳаракат техникаси бўйича мураккаб бўлиб ва маълум қоидা бўйича ўтказилади. Баъзи бир ўйинларда маҳсус роллар талаб қилинади. Айрим тўпламларда бундай ўйинлар ярим спорт ўйинлари деб аталади (“Пионербол”, “Тўп капитанига”, “Лапта”).

Ҳаракатли ўйинларни гурӯхларга бўлиш (оддий таснифи)

Педагогик ишда ҳаракатли ўйиниларни кенг қўлланилишини иш шароитини хисобга олиш билан ҳар хил педагогик вазифаларни хал этиш учун ўйинни маҳсус танлаб олишни талаб қилинади. Бунинг учун маълум белгилар бўйича олишни талаб қилинади. Бунинг учун маълум белгилар бўйича ўхшаш бўлган ўйинни ишчи гурӯхини ташкил этилади.

Ўйинлар қуидагича тақсимланади:

1. Уларни мазмунига кўра мураккаблик даражаси бўйича. Оддий ўйинлардан то мураккаб ўйинларгача (ярим спортга).
2. Болалар ёши бўйича ўзига хос ёш хусусиятларни хисобга олиш (7-9,10-12,13-15 ёшли болалар учун ўйинлар). Бу белгилар умумий таълим мактаблари учун жисмоний тарбия дастурида фойдаланилган (1-4,5-9 – синфлар учун).
3. Унда кўпроқ келадиган, ҳаракат турлари (умумривожлантирувчи машқ элементлари билан ўйиналадиган ўйинлар, югуриш, баландликка сакраш билан ўйнаш, турган жойдан ва югуриб келиш билан ўйнаш, ҳаракатланувчи ва ҳаракатланмайдиган нишонга улоқтириш билан ўйнаш, коптокни ошириш ва илиб олиш билан ўйнаш).
4. Ўйинда кўпроқ намоён қилинадиган жисмоний сифатлар (куч, чидамлилик, эпчиллик, тезлик, эгилувчанликни кўпроқ тарбиялашга ёрдам берадиган, ўйинлар). Ҳаммаси бўлиб бу сифатни тез-тез бирга қўшиб бажарилганда намоён бўлади. Ўйинни ҳаракат турлари ва жисмоний сифатлари бўйича тақсимлашни асосан жисмоний тарбия бўйича машғулотларни барча шаклларида фойдаланилади.
5. Алоҳида спорт турларига тайёрлайдиган ўйинлар у ёки бу спорт турларига зарур бўлган, жисмоний сифатларни тарбиялашда, айрим техника ва тактика элементларини мустахкамлаш ва такомиллаштиришда фойдаланиладиган ҳаракатли ўйинлар.
6. Ўйновчиларни ўзаро муносабатига боғлиқ бўлган ўйинлар. а) ўйинчилар тўғридан-тўғри “ракиби” билан бир-бирига тегмасдан ўйналадиган, ўйинлар; б) “ракиби” билан бир-бирига тегиш чегараланган, ўйинлар; а) “ракиб” билан тўғридан-тўғри курашадиган ўйинчилар, айрим педагоглар, ўйновчиларни ўзаро муносабати бўйича ўйинларни тақсимлаб, уни “оддийга” бўлдилар, бунда ҳар бир мақсад кетидан юриб бошқаларга нисбатан муносабатсиз бўлади ва “мураккаб” ўйновчиларни гурӯхларга, командаларга, бўлимларга бўлинеш билан ўйналадиган, бунда ҳар бир ўйинчи ўзларини командаларига эътибор беради.

Турли-туман иш холатида уни күпроқ түғри танлашга ёрдам берадиган бошқа ҳар хил белгилар бўйича гурухларга ажратиладиган ўйинлар:

а) машғулотни ташкил қилиш шакли бўйича (дарсда, танаффусда, йиғилишларда, байрамларда ўтказиладиган ўйинлар); б) матор зичлиги хусусияти бўйича (катта, ўртacha ҳаракатчанлик ва камҳаракатли ўйинлар); в) иш жойларини ва мавсумларни хисобга олиш билан ўйналадиган ўйинлар (ёзда, қишида, бино ичида, очик хавода ўйналадиган ўйинлар).


Ҳар хил иш шароитида қўйилган педагогик вазифани ечиш мақсадида ўйинлар кўпроқ ботфасил тақсимлаш учун бир вақтда ўзида тўлиқ бир қатор белгиларни хисобга олинади, унинг энг асосийлари: болаларни тайёргарлиги ва ёши, ўсмирлар, ўйинга кирувчи, ҳаракат турларини ушбу ўйинлар у ёки бошқа ахлоқӣ-иродавий ва жисмоний сифатларни кўпроқ намоён қилиш, ўйинда ўйновчиларни ўзаро муносабат принципларири.

Професор В.Г. Яковлев ўйинларни алоҳида гурухларини бирлаштириб, ўйин қатнашчиларини ўзаро ҳаракати ва ўзаро муносабати принципларидан келиб чиқиб, жамоа бўлиб ўйналадиган ҳаракатли ўйинларни педагогик таснифини таклиф қилди.

Ушбу тасниф педагогни болаларда жамоани қизиқишини тарбиялашга йўналтиради.

Бундай ўйин материалларини тақсимланиши айрим ўйинлар орасидаги методик кетма-кетликни ёки изчиликка ўрнатишни енгилаштиради ва ўйинни мазмуни ва шакли бўйича мураккаблик даражасини аниқлашга ёрдам беради.

ЖАМОА БҮЛИБ ЎЙНАЛАДИГАН ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРНИ ПЕДАГОГИК ТАСНИФИ.



ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРНИ ПЕДАГОГИК АҲАМИЯТИ.

Бизнинг мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш амалиёти шунга гувоҳлик берадики, болаларда ва ўсмирларда юқори ахлоқий ва жисмоний сифатларни шакиллантиришни энг мухим воситалардан бири бўлиб хисобланади. Айниқса мактабгача ёшдаги ва мактаб ёшдаги болаларни жисмоний тарбиясида жуда катта ўрин эгаллайди, чунки улар саломатликни сақлаш ва мустахкамлашда, жисмоний ривожланишни нормал бўлишига ҳаракат малакаларини комплекс такомиллаштиришга қулайлик туғдиради.

ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРНИ ГИГИЕНИК ВА СОҒЛОМЛАШТИРИШ АҲАМИЯТИ.

Ҳаракатли ўйинларни энг асосий мазмуни ўйновчиларни ҳаракатланиши ва тарли-туман ҳаракати хисобланади. Уни тўғри бошқара борилганда улар организмни бошқа системалари ва нафас олиш, мушак, юрак-қон томирларга самарали таъсир кўрсатади.

Ҳаракатли ўйинларни функционал фаолиятини оширади, танадаги ҳар хил йирик ва майда мушакларга хилма-хил динамик ишларни жалб қиласиди, бўғинлардаги ҳаракатчанликни оширади.

Айниқса соғломлаштириш нуқтайи назардан қимматлиги шунда хисобланадики. Ҳаракатли ўйинларни очиқ хавода ва қишида ва ёзда ўтказилиши айниқса соғломлаштириш нуқтайи назардан қимматлилиги шунда хисоблашадики, чунки очиқ хавода ҳаракатланганда кислородни келишинни ошириш билан модда алмашишувини бирмунча кучайтиради, бу барча организмга ижобий таъсир этади.

Ўйинда қўлланиладиган, жисмоний машқлар таъсири остида, моддалар алмашуви ҳар томонлама фаоллашади (углевод, оқсил, ёғ ва менираллар). Мушак иши ички секреция безлари вазифаларини кучайтиради. Шуғулланувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги ва ёш хусусиятларини хисобга олиш билан фақатгина машғулотни тўғри қўйилганда гана анна шундай ҳаракатли ўйинлар ёрдам берадиган гигиеник ва соғломлаштириш аҳамиятига эга бўлиш мумкин.

Шуни хисобга олмоқ керакки яъни ҳаракатли ўйинлар юкламани аниқ тақсимлаш имконияти чегараланган, чунки ҳарбир ўйин қатнашчисини ҳаракати олдиндан имкониятларини назарга олиш имконияти йўқ. Ўйинда доимий равишда ўзгариб турувчи холат, юқори жўшқинликдаги ўзаро ҳаракатни айрим ўйин қатнашчиларидан машқни мазмунини дастурга киритилмаса юкламани ўлчами ҳамда йўналишини аниқ тартиба солиши имкон бермайди.

Шунинг учун жисмоний юклама оптималь бўлиши учун айниқса уни кузатиб бориши зарур. Ўйин билан мунтазам шуғилланишда айниқса шиддат билан юкламани қўллаши мумкин, чунки болаларни организими унга секин-аста мослашиб бориши керак.

Шуғулланувчиларнинг нерв системасига ўйин самарали таъсир кўрсатиб бориши керак. Буни оптималь юклама бериш йўли орқали эришилади, шунингдек ўйинни шундай ташкил қилиниши, у ўйновчиларда руҳий кечинмаларни ижобий келтириб чиқаради, ўйинни ёмон ташкил қилиш, салбий руҳий кечикмаларига олиб келиши, нерв жараёнларини нармал ишлаши бузилади, стресслар (қаттиқ хаяжонланиши) пайдо бўлади, бу эса саломатликка зарар етказади.

Ҳаракатли ўйинларни қоидаси ўйин қатнашчиларини ўзаро ҳаракатини тартиба солади, ортиқча хаяжонланишларни йўқотади. Ўйин қоидаси бўйича аниқ холисона ҳакамлик қилиш, ўйинчиларда ижобий руҳий кечикмаларни келтириб чиқаради.

Ҳаракатли ўйинларни уни мунтазам равища қўлланилиши нерв жараёнларида динамик стереотипни ишлаб чиқишга ёрдам беради, бу эса ҳаракатни бажаришни ёнгилаштиради, уни кўпроқ тежамкорлик қиласиди.

Ўйинни ёзда ва қиши вақтида очиқ хавода ўтказилиши (оби хавони хисобга олиш билан) болаларни чиниктиришга ёрдам беради.

Ҳозирги бизни пайитимизда ахборат оқимини кучайиб бориши, ўқув машғулотларини вақтини ортиши, ҳаракатни намойиши, мушакни зўр беришни талаб

қилиши ҳаракатни фаолигини пасайиши сабабали, ўсиб келаётган ёш авлодда гинодинамия ошиб бориши кузатилади.

Ҳаракатли ўйинни кенг миқиёсида фойдаланилиши гиподинамияни пасайтиришга ёрдам беради, чунки бу ҳаракат фаолиятини етишмаслиги ўринни тўлдиради.

Ҳаракатли ўйин узоқ давом этган ақлий фаолиятидан кейин фаол дам олиши мумкин. Уни мактабда танаффус вақтида дарс томом бўлгандан кейин майдончада сайр қилиш вақтида (куни узайтирилган гурӯхда), мактабдан қайтиб келгандан кейин уйда ва дарсни тайёрлаб бўлгандан кейин шундай мақсадда кўлланилади.

Мактабда кичик синфларда иложи борича дарс вақтида физкульпауза кўринишида ўтказиш керак, чунки 7-8 ёшли болалар 45 дақиқа давомида зўриқади, айниқса ўқув кунини охирги дарсларида, жуда ҳам қийин бўлади. Парта ёнида болалар билан қисқагина ўйналадиган ҳаракатли ўйин, нерв марказларини ишини ўзгартиради, дам олишга имкон беради (нерв марказларини қўзғалишини тормозлайди) ва мушак фаолиятини фаоллаштиради.

Болаларда жисмоний ривожланиш орқада қолганда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш зарур, чунки у организмни соғломлаштиришга ёрдам беради, жисмоний ривожланишни умумий даражасини оширади.

Ҳаракатли ўйинларни санатория ва станцияионарда касал болаларни саломатлигини тиклашда маҳсус даволаш мақсадида кўлланилади. Ўйин жараёнида болаларда рўй берадиган функционал ва жўшқинликни руҳий қўтарилишига ёрдам беради.

ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРНИ ТАЪЛИМИЙ АХАМИЯТИ.

Биринчи фаолиятда ўйин мавжуд, у шахсни шакллантиришда катта рол ўнайди.

Болалар ўйинларида тўпланган тажрибаларда ўз аксини топган бўлиб, хаёт тўғрисидаги воқиаларни ифода этилганлиги ҳақидаги ўзларини тасаввурларини мустахкамлайди, чуқурлаштиради. Болалар худи катталардек фаолияти жараёнида оламни билиб олади.

Мамлакатимиз педагоглари ўсиб келаётган ёш авлодни хаётга тайёрлашда ҳаракатли ўйинларни таълимий ахамияти катталигини қайд қиласидилар, чунки бола ўйинда ривожланади.

Ўйин билан шуғулланиш ўйин қатнашчиларини янгидан-янги, хис-туйғуни, тасаввур этишини, тушунчаларини бойитиб боради.

Ўйин педагогларимиз кўлларида болани хартомонлама ривожланишига ёрдам беради. Улар уни тасаввур этиш тушунчаларини кенгайтиради, кузатувчанлини, зийраклигини, зехин ўткирликни, тахлил қилишни билишни, кўрганларини тақсимлашни ва оммалаштиришни ривожлантиради, шу асосида уни атрофини ўраб турганлар орасида кузатиладиган ходисалардан хулоса чиқарадилар.

Алоҳида спорт турларини ҳаракат тузилиши бўйича (спорт ўйинлари, енгил атлетика, гимнастика, кураш, сузиш ва б.к) ўхшаш бўлиб, ўйин таълимий ахамиятга эгадир. Бундай ўйинлар у ёки бошқа спорт турларида малакаларни ҳамда аввалдан ўрганилган техник ва тактик усулларни мустахкамлаш ва такомиллаштиришга йўналтирилган.

Ҳаракатли ўйинда макон (жой) ва замон муносабатларини тўғри баҳолаш қобилиятини ривожлантиради ва ўйинда тез-тез ўзгариб туриладиган вазиятни юзага келиши таъсирига тез ва тўғри жавоб беради.

Ҳаракатли ўйинлар тўғри стереотип ҳаракатни тарбиялаш жуда мухимдир чунки уни кейин тўғрилаш жуда қийин кечади.

Жойларда ёз ва қишиш шароитларида ўтказиладиган ҳаракатли ўйинлар катта таълимий ахамитяга эга: болалар оромгохларида, дам олиш жойларида сафарда, сайрга чиққанда.

Жойларда ўтказиладиган ўйинлар туристчи, разветкачи, из қуварларга зарур бўлган таълим маллакларига ёрдам беради.

Ката бўлмаган буюмлар билан ҳаракатли ўйинларни ўтказиш (кичик коптоклар, қопчиқлар, гимнастик таёқча, байроқчалар) тери ва мушак-ҳаракат сезгирилигини оширади,

кўл ва бармоқ ҳаракат функцияларини такомиллаштирига ёрдам беради, у айниқса кичик мактаб ёшидаги ва мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун жуда зарурдир.

Бизнинг мамлакатимизда ҳалқ миллий ўйинлари билан ўкувчиларнинг таништириб борилиши жуда катта таълимий ахамиятга эга. Улар болаларни миллатимизни маданияти ва уларни уруф одатлари билан таништирадилар.

Ҳаракатли ўйинларда ўйин қатнашчиларига алоҳида ролларни бажаришга тўғри келади (ўйинбоши, очколарни хисоблайдиган, ҳакам, ҳакам ёрдамчиси, ўйин ташкилотчиси ва б.к.). Бу уларда ташкилотчилик билан ва малакаларни ривожлантирига ёрдам беради.

Ҳаракатли ўйинлар бўйича ўтказиладиган мусобақалар ўйин қатнашчилари мусобақани ташкил қилиш ва ўйин қоидалари билан таништиради. Бу билим ва малакалар болаларни мустақил равишда мусобақани ўтказишга ёрдам беради.

Агарда педагог, тарбиячи, етакчи бунга кераклича диққат-эътиборини қаратиладиган бўлса, унда ўйинни таълимий томони етарли даражада бўлади.

ҲАРАКАТЛИ ЎЙИННИ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ

Жисмоний сифатларни тарбиялашда ҳаракатли ўйинларни ахамияти жудда катта: тезлик, эпчиллик, куч, чидамлилик, эгилувчанлик шу билан бирга ҳаракатли ўйинларда жисмоний сифат комплекс равишда ривожланади.

Кўпчилик ҳаракатли ўйинларда ўйин қатнашчиларидан тезликни талаб қиласди (тез қочиб кетиш, қувлаб етиш, товуш, қўриш сигналига бир онда жавоб бериш).

Ўйинда доимий равишда ўзгариб турадиган вазият, ўйин қатнашчиларидан бир ҳаракатдан бошқа ҳаракатга тезда ўтиш талаб қиласдиган, эпчилликни тарбиялашга ёрдам беради. Тезкор-куч бўйича йўналишдаги ўйинлар кучни тарбиялайди.

Зўр ғайрат билан қилинган ҳаракатни кўпроқ куч ва энергияни сариф қилиш билан боғлиқ бўлган ўйинлар чидамлиликни ривожлантиради.

Ҳаракат йўналишни тез-тез ўзгартириши билан боғлиқ бўлган, ўйинлар эгилувчанликни ривожлантиришга ёрдам беради.

Болани маънавий тарбиялашда ҳаракатли ўйинлар жудда катта ахамиятга эгадир. Ҳаракатли ўйинлар жамоа ҳарактеридаги деб номланади, шу билан бирга болаларни жамоа фаолиятига ўргатади. Ўйин болаларда ўртоқли хиссини бир-бирини қўллашни ва дўстларни бир-бирларини ҳаракатларига жавобгарликни ривожлатиради. Бола жамоа ўйинида қатнашиб команда манфаатини кўзлаб ўзларини қизиқишилари билан фидо қиласдилар: яхши холатда турган ўртоғига тўпни инъом қилиш, “асир”га туширган ўртоғини қутқаришга ҳаракат қилиш ва шунга ўхшаш. Ўйинда аста-секин бир-бирини ҳаракатини қўллашни ва дўстлик туйғусини тарбиялайди. Мактабгача тарбия болаларидан то кичик мактаб ёшидаги болаларгачан ўйинда факат ўзларини ҳаракатларини ўртоқларини ҳаракатлари билан ўзаро мослашишини талаб қиласди. Ўйинда кейинчалик бир-бирларини қўллаш ўртоғига ёрдам бериш намоён бўлади. Ва никоят охирида ўз командалари, ўз жамоалари қизиқишини, бўйсунишини ҳаракатлари билан ўйин пайдо бўлади.

Ўйинда ўзига хос бўлган ҳаракат битта ўйинчи бошқасига бир команда бошқа командага қарши ҳаракатидир. Шу билан боғлиқ бўлган ўйинчиларни олдида, ўз вақтида ҳал этишни талаб қиласдиган турли-туман вазифалар келиб чиқади. Бунинг учун қисқа вақт ичida келиб чиққа вазиятни баҳолашда турли ҳаракатни танлаш ва уни бажариш зарур. Бу ўйинчини ўз-ўзини кучини билишга ёрдам беради.

Ўйинчила ўртасидаги аниқ ўзаро муносабат мусобақалашиш, курашиш нафакат ўзаро хамкорлигини, психологик ўзаро мослашганлигини умумий ҳарактери билан кўпчилик ўйин ҳаракатларини, жадаллик билан бажариш хусусияти ва кучланишни умумий катта кичиклиги, айрим кечинмалари ўткирлиги билан аниқланади.

Ўйин қоидалари онгли интизомини, ўзини тута билишни кучли қузғалишдан кейин “ўзини қулга олишни” билиш, ўзининг бирдан эгаллаш жўш уриб кетишини тарбиялашга ёрдам беради.

Ҳаракатли ўйинлар болаларни саънатга ва бадиийликка тарбиялашга ҳам ёрдам беради. Болаларда ижодий бадиийликни биринчи бор намоён бўлиши ўйин шаклида қабул қилинади. Болалар ўйинида хусусан мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болаларда ижодий тасаввур этиш катта ўрин эгаллади: оддий таёқчани от қилиб миниш, велосипед, милтиқ ва қилич бўлиши мумкин. Ўла шаклидаги ўйинлар ва сюжетли мазмуни билан ташкил қилинган ҳаракатли ўйинларни тасаввур этишни риожлантиради.

Ўйин атрофидаги мухитни таъсири, болалар тушичасида алоҳида шахсларни ролини, ролларни таксимлаш билан воқиаларни ижро этиш тушунишида, уни бажаришида болалар ўзларининг ижодий тасаввур қилишларини киритадилар. Бундай ўйинлар жараёнида ижодий тасаввур қилиш ривожланади ва такомиллашиб боради. Улар сезишини ва идрок қилишни ривожлантиришга ёрдам беради, атрофни ўраб турган буюмларни ва уни барча ўзаро алоқасини пайдо бўлишини қабул қилишни ўргатади, уни ўраб турган атрофидаги мухитни билиш ва болаларга янги таассурот яратади, кузатувчиликка шунингдек мантиқай фикрлашга ўргатади.

Музыка жўрлиги билан ташкил қилинадиган ўйинлар болаларда музыка қобилиятини ривожлантиради. Педагог болаларда музыка қобилиятини тарбиялашда ўйин методидан фойдаланади: музыка садолари остида ҳаракат билан ўтказиладиган ўйинлар музыка шаклларини ва характеристерини яхши эгаллашга ёрдам беради.

Хоровод ва музықага оид ўйинларда бола ўзининг биринчи рақсга оид қобилиятини намоён қиласди.

Бола ўзинда ўзининг барча шахсий сифатларини ва хусусиятлари маълум бўлади. Ўйин жараёнида шахсий ўзига хос хусусиятларини намоён бўлиши ҳар бир болани яхши билишга ёрдам беради ва бизга керакли йўналишда ривожлантиришга таъсир кўрсатади. Фақатгина битта фаолият, ўйиндай равшан ва ўқувчини шахсий характер чизиқларини ҳар томонлама очиб бермайди. Болани ўйинга берилиб ёки қизиқиб кетишини ўзининг хартомонлама характеристидан топиб олади. Синфида болаларга аралашмайдиган бола ўзинда ўзини мутлоқо бошқача намоён қиласди. Булар барчаси ғоят мухим бўлганлиги учун болаларга тўғри шахсий ёндошиш керак. Ҳаракатли ўйинлар “Алпомиш” ва “Барчиной” тест меъёрларини топшириш учун зарур бўлган, у ёки бу сифат ва малакаларни такомиллаштиришга ёрдам беради.

КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАР УЧУН ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРНИ ТАСНИФИ.

7-10 ёшли болалар (1-4 синф ўқувчилари) барча табиий ҳаракатларни (юриш, югуриш, сакраш, улоқтириш) хали мутлақо эгаллашмаганлар, шунинг учун ҳаракатли ўйинлар, табиий ҳаракатлар билан боғлиқ бўлиб уларда катта ўринни эгаллаши керак.

Шуни эсда сақлаш кераки, яъни бу ёшда билим ва малакаларни эгаллаш ғайри ихтиёрий даражада кўпроқ самарали ўтади (хусусан ўзинда), ихтиёрийга нисбатан.

Бундан ташқари бу ёшдаги болаларни анатомо-физиологик, психологик хусусиятларини хисобга олиш керак. Ўраб турган турли-туман мухитни, организмга таъсир этишги ва тез чарчаб қолиши уларда кўпроқ кўнгилчанлик билан кузатилади. Бу шу билан боғлиқ бўладики, бу ёшдаги болаларда юрак, ўпка ва томирлар системасини ривожланиши орқада қолади, мускуллари эса хали бўш, айникса қорин пресси ва орқа мушаклари.

Шунингдек таянч аппаратини мустахкамлиги янада катта эмас, шундай экан, уни шикастланиш имконияти юқори даражада бўлади (мускулларини бўшлиги, бўғинни чўзилишини кучайиши қадди-қоматни бузилиши имкониятини оширади).

Югуриш ва сакраш билан ўтказиладиган ҳаракатли ўйинлар вақти бўйича қисқа бўлиши керак ва дам олиш тез-тез такрорланиш билан бирга ўтади. Худи шу вақтда шу ёшдаги болалар сакраш билан ўйналадиган ўйинларни жуда ёқтирадилар (Арғамчида, дўнгдан-дўнга сакраш ва б.к.).

Бу ёшдаги болалар учун кўпроқ қулай ўйинлар чопиб ўтиш ўйинлари хисобланади масалан, “Чаққон болалар”, “Бўри зовурда”, “Икии совук”, бу ерда болалар қисқа чопиб

үтишдан кейин дам олиш имкониятига эга бўлади, ёки ўйновчилар ҳаракатда навбати билан қатнашадиган ўйинлар, масалан “Хамма ўз байроқчасига”, “Уйсиз қуён”, “Бўш ўрин”.

Бу ёшдаги болаларда мушак ва бўғинларни янада етарли даражада ўсмаганлигини, хисобга олиб катта кучли зўриқиши билан ўйналадиган ўйинларни бермаслиги керак.

Болаларга бу даврда яъни алоҳида ҳарактни ажратиш ва унинг алоҳида параметрларини аниқ бошқариши қийин бўлади. Болалар тез чарчайдилар, худди шундай ҳаракатга тайёргарлик тезда тикланади. Хусусан уларни ҳаракатни бир хиллиги чарчатиб қўяди.

Кичик мактаб ёшидаги болаларни диққати етарли даражада барқарор эмас. Шунинг учун бола диққатини бўладики, яъни бундай холатда унга кўпроқ қизиқарсиз туйилади. Шу сабабли бу ҳаракатли ўйинлар уларда узоқ вакт эътиборни бир ерга тўплашни талаб қилмаслик керак. Акс холда болалар қоидага риоя қилишни тўхтатадилар, ўйинни бориши ёки ўйналиши бузилади ва уларда ўйинга бўлган қизиқиши йўқолади.

Болаларда ирова ва тормозланиш вазифаси бўш ривожланган. Уларга ўйинни тушнитиришни узоқ ва диққат билан эшитиш қийин тез-тез ўйинни тушнитиришини охиригача эшитмасдан ўйинда у ёки бу ролни ўйнашда ўзларини ёрдамини таклиф қиласидилар.

Шу билан боғлиқ унга катта бўлмаган микдордаги ўйин қоидалари (2-3) бўлган ўйинлардан фойдаланилади. Ўйин қоидасини хаммасини бирданига эмас, балки уни ўкувчиларнинг ўзлаштиришига қараб, аста-секин, бериш мумкин.

Кичик мактаб ёшидаги болаларда фикрлаш (айниқса 1-2 синф ўкувчиларида) асосан оброзли, предметли бўлиб, бироқ ўргатиши иккинчи йилида фикрлашни буюмларни билиши мумкин бўлган ва ўраб олган мухитдаги борлиқ ходисаларни хақидаги тушунчаларга бўшатиб беришни бошлайди. Кузатаётгандарни таққослаш ва бараварлаштиришни билиш намаён бўлабошлайди. Ўйин ҳаракатларида кўпроқ онгни (ақилни) намоён қилиш учун имкониятлар келиб чиқади. Уларнинг ўртоқларини муаммоларига қилиқларига ва ҳаракатига нисбатан танқидий муносабатлар намоён бўлади. Қобилиятни умумий равиша танқидий фикрлаш ҳаракатни онгли равиша назорат қилишни кўп сонли қоидалар билан кўпроқ мураккаб ўйинларни ўзлаштиришга имкон беради.

Болаларда образли фикрлаш билан боғлиқ мактабда ўқишини биринчи икки йилида мазмунли ўйинлар катта ўрин эгаллайди, у уларни ўйлаб чиқаришга усталик ва ижодидан мамнун бўлишига ёрдам беради. Шуни хисобга олиш керакки, болалар бу ёшда ўқиш ва ёзишни биладилар, бу уларни ақлий онг-билим даражасини бир мунча кенгайтиради. Бунга қуидаги мазмунли ўйинлар мисол бўла олиши мумкин, бунга айниқса синфдан ташқари ўтказиладиган “Бойўгли”, “Бўри зовурда”, “Икки совук”, “Косманавтлар”, “Тулки”, “Чаққонлар” ва б.к ўйинлар киради.

Бу ёшдаги болалар учун бирор хусусияти билан ажралиб турадиган ва сирли, қутилмаган элементлари бўлган ўйинлар (“Кўз боғлоғич”, “Топ кимни овози бу”), бекиниш ва топа олиш ёки аниқлаш ўйинлари (“Бекинмачок”, “Қоровуллар”).

Ўйинда бу даврда хулқни асосий пойдевори, жамоат тартибини саклаш қоидасини бажаришни билишни тарбиялайди. Жамоа бўлиб ўйналадиган ўйинларда маънавий ва маърифий, ахлоқни оддий меъёр ва қоидалари ҳақида тасаввур қилишни тарбиялайди. Командаларга бўлинниб ўйналадиган ўйинлар пайдо бўла бошлайди, буни ҳар бир ўйин қатаншчиси ўзларини командаларини обруси учун курашдилар ва “асир”га тушган ўртоқларини қуткарадилар. Командали ўйинларни ўйнаш ўқишини биринчи йилини охиридан бошланади ва айниқса З-синфдан бошлаб кенг кўлланилади.

Яъни мусиқа ва ашула хор ҳарактеридаги ўйинлар бўлиб, улар асосан мактабгача тарбия ёшидаги болаларга хос бўлади. Бу ўйинлар айниқса 1-2 синф ўкувчиларининг синфдан ташқари вақтда фойдаланилади. Улар болаларда биргаликда келишилган холда ҳаракат қилишга, маълум ритмда ҳаракатни бажаришга ўргатади.

Болалар шунингдек, алохиди сўз, жумлаларни оханг билан айтиладиган сўзли ўйинларни жуда яхши кўрадилар, масалан “Косманавтлар”, “Қопқон” ва б.к. ашула айтиш ва оханг билан айтиш ўйналадиган ўйинлар нутқини ривожлантиради, у яъна тренировка қилишга шунингдек ритим ва мусиқаликни тарбиялашга муҳтождир.

Нихоят болалар бу ёшда шундай ўйинлар билан қизиқадиларки, улар бу ўйинда ўзларини эпчиллик, чаққонлик намоён қилишлари мумкин. Бундай ўйинларни мазмуни маълум ҳаракатни фақатгина аниқ бажариш билан чегараланади. Бундай ўйинларга қуидагилар киради: “Арғамчи остида сакраш” айланаштган арғамчи остида хилма-хил сакрашлар, қисқа арғамчилар билан турли-туман сакрашлар.

Шу ёшдан бошлаб болалар ўртасида халқ ўйинлари яхши оммалашиб боради.

Кичик мактаб ёшидаги болалар хаётида ҳаракатли ўйинлар катта ўрини эгаллаши керак, чунки бу ёш хусусиятларига шунингдек маънавий маърифий ахлоқий тарбияя мос келади.

Ҳаракатли ўйинлардан “Алпомиш” ва “Барчиной” тест меъёрларини топширишга тайёрлашда кенг фойдаланиш мумкин.

КИЧИК ЁШДАГИ ЎСМИРЛАР УЧУН ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРНИ ТАСНИФИ.

5-6 синф ўкувчилари (11-12 ёш) ўзларидан олдинги синфларга нисбатан кўпроқ мураккаб ўйинлар билан шуғулланишга қизиқадилар. Буни баъзи бир даражада тушунтириладики, яъни болалар бу даврда катта чидамлиликни ўпка сифимини катталигига эга бўлади, гарчи нафас олиш системаси ҳам етарлича ривожланмаган бўлади.

Мушаклар аста секин ўсади ва мустахкамланади, бироқ куч кўрсаткичлари ҳам етарли даражада ривожланмаган шунинг учун организм узоқ давам этадиган кучли таранглашишларга ва биртомонлама юкламаларга етарли даражада тайёр эмас. Нафас олиш системаси бир мунча кўпроқ ривожланган кичик мактаб ёшидагиларга қараганда бироқ нафас олишни чукурлиги ҳам етарли эмас. Нерв системаси такомиллашиб боради. Мия системасини мойиликни функционал имконияти ўсиб боради.

11-12 ёшли болаларда 7-10 ёшли болалар нисбатан кўпроқ сезгир ва эпчилликни ривожланишига ва такомиллаштиришига қаратилган. Уларни ўйинда ўзини тутиш тактикаси малакаси ортиб боради.

1-4 синфларда ўйин ва гимнастика машғулотларида эгаллаган, малакаларидан кенг фойдаланилади.

Ўсмиирларда тормозланиш функцияси кичик мактаб ёшидаги болаларга нисбатан бир мунча яхши ривожланган, ирова доираси эса кучли ривожланган. Ўйин вақти бўйича кўпроқ давом этадиган ва мураккаб ҳаракатларга бой бўлиб бу эса ўсмиирларда чидамлиликни тарбиялашга ёрдам беради.

Болалар бу ёшда ўйинга жуда хам қизиқадилар улар бу ўйинларда ўзларини ҳаракатларини такомиллаштиради. Уларни ўйин жараёнига ўзлари қизиқадилар, улар ўзларини тезлигини, эпчиллигини, мерагнлигини, кучни ва зийраклигини намоён қилиши ёқади.

Айрим холатда тезкорлик ва куч қобилиятларига таъсир этишга кўпроқ ўйналтирилган ўйинлар намоён бўлади, бироқ имкон борича зўр беришни талаб қилмайдиган, шу билан бирга бу зўр бериш циклик ёки даврий ҳарактерга эга бўлади (“Пойгачи”, “Чавандоз спортчилар”, “Яширилган коптоклар”, “Катақдаги қушлар”, “Пир-р этди”, “Доирага тушириш”, “Хушёр соқчи”, “Тўпни ошириш”, “Тўпларни узатиш”, “Чизиқлар бўйлаб сакраш”, “Картошка экиш”, “Икки аёз”, “Тулки билан наъматак” ва б.к.).

Кичик ўсмиирлар образлардан ташқарига чиқиб кўпроқ танқидий ва умумий равишда фикирлайдилар, сезгини тасаввур этиш ва идрок қилишни афзал кўришга таянади. Фикирлашни қабул қиласлик қобилияти, ҳаракат тажрибаси ва эгаллаган захирадаги билим билан мураккаб ўзаро муносабатдаги ва кўпсонли ўйин қоидалари билан уларга

кичик мактаб ёшидаги ўкувчиларга кўра кўпроқ мураккаб ўйинларни эгаллашга имкон беради. (“Отишма”, “Тўп учун кураш”, “Тўп нишонга” ва б.к).

Ўқитувчининг тушинтириши ва танбех беришлари кўпроқ қисқа ва аниқ хакамлик эса-кўпроқ қаътий бўлиши керак.

Болалар бу даврда синфдаги ва бошқа ишларга фаол киришадилар. Ўсмирлар ўйинда асосий ўринни командали ўйинлар эгаллайди, шунинг учун хам айнан шу даврда уларда айниекса жамоатчилик сезгиси ривожланади ва намоён бўлади.

Кичик ўсмирлар ўйини жуда ҳам севадилар уларни ҳар бири энг яхши усуслари билан ўзларини шахсий имконияти ва улар ўзи жамоасини дикқат эътиборига қаратадилар. (“Рақам чақириш”, “Оқ теракми кўк терак”, “Қоравуллар ва изқуварлар”).

Ўйинни барчаси шартли бўлганлиги учун болалар тушина бошлайдилар. Фақатгина жойларда ўйналадиган ўйинларда мазмуни сақланиб қолинади. Ривожланиш жараёнини тезлаштириш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли кўпроқ эрта балоғатга етади. Қизларда бу айнан шу даврда (10-12 ёшда) бошланади.

Олимларимизни берган маълумотларига кўра жисмоний ривожланиш жараёни руҳий ривожланиш билан паралел боради. Ҳозирги замон болалари олдингиларига қараганда кўпроқ ривожланганлар.

Юқори-қон томир системаси ва нервни физиологик функциясини гармониясини бузилишини кузатилиши жинсий етилишини тезланиши билан боғлиқ бўлади. Вегетатив нерв системаларини функциясини бузилиши қайд қилинади (бош айланиш, юрак уриши, товушларга, хидларга нисбатан сезгирликни ошиб бориши ва б.к).

Болаларга ўйинда буларни барчаси таъсир этади. Болалар психологик жихатдан бир хил турмайдиган, ўйин жараёнида ўзини хис туйғусини жўшиб намаён қиласди. Шу билан бирга ўйин қоидаларига қаътий талаб қилишни ошириш зарур, хаддан ташқари асабийлашганда ёки хаяжонланган вактда ўйинда танаффус бериш мумкин.

Бу даврда ўғил ва қиз болалар ўйинларида айрим ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Ўғил болалар қиз болаларга кўра тезлик билан югуришда, кураш элементлари, узокка улоқтириш билан ўйналадиган ўйинларда айрим афзаликка эга бўладилар.

Ўғил ва қиз болаларни бу имкониятларидаги фарқни хисобга олиб югуриш билан ўйналадиган командали ўйинларда ўғил ва қиз болаларни сони бир хил бўлишни кузатиб борилиши зарур. Чидамлиликни ривожлантиришга оид қаршилик кўрсатиш билан ўтказиладиган ўйинларда жинсига қараб ўғил ва қиз болаларга бўлиш керак ва хар бир команда билан мустакил ўйин ўтказилиши керак (“Доирага торт”, “Жуфт-жуфт бўлиб тортиш” ва б.к).

Қаршилик-курсатиш билан жуфт-жуфт бўлиб ўтказиладиган (“Хўроздлар жангі”, “Жуфт-жуфт бўлиб тортишиш”) жуфтликда ўйнайдиган ўйинчилар бир хил жинисда бўлишлари шарт (ўғил ёки қиз болалар).

Қиз болалар бу даврда бадий гимнастика элементилари билан музика жўрлигига ўтказиладиган ўйинларга қизиқа бошлайдилар. Ўғил болалар эса қуч, чидамлилик, тез югуриш билан бажариладиган ўйинларга кўпроқ қизиқадилар.

Айрим ўсмирлар билан сузиш бўйича машғулот ўтказилса иложи борича сувда ўйин ўтказиши киритиш керак.

Кичик ёшдаги ўсмирлар эса катталарга ўхшаш учун ҳаракат қиласдилар. Ўқитувчи, етакчи, тарбиячи буни хисобга олиш зарур ва хар доим болалар учун намуна бўлиши керак.

Кичик ёшдаги ўсмирларда ўртоқлари билан яхши муносабатда бўлишга ҳаракат қилишни ёрқин ифодаси намаён бўлади. Шу билан бир қаторда ўртоғини ёмон хати ҳаракатни мухокама қилишга ўзини билимли қилиб кўрсатиш, қуч, қўрқмаслик ва интизомини бузганда ўзини хиссиётига қарши чиқиши мойиллиги намаён бўлади.

Ўзининг “Мен” деган сўзини мустахкамлаш учун ўғил болалар тез-тез қуч ишлатадилар, у кўпинча жанжални келиб чиқишига олиб келади.

Бундай вақтда ўғил ва қиз болалар ўзларини тенгқурлари билан аралашиб юрадилар. Ўғил ва қиз болалар ўртасида дўстлик бошланади физкультура ва спорт машғулотлари

билан шуғулланиш иштиёқи пайдо бўлабошлайди. Педагог бу қизикиши мақсадга йўналтирилган ҳолда фойдаланиши зарур. Бу даврда қўпчилик болалар спорт секцияларида шуғулланишини бошлайдилар, жумладан спорт ўйинлари билан (баскетбол, волейбол, қўл тўпи, футбол ва б.к).

Айрим ҳаракатли ўйинлар спорт қоидаларига қаътий чегараланган ҳолда киритилади. Бу ўйинлар бўйича синфлар ўртасида, мактаб биринчилиги, мактаблараро, туман биринчилиги мусобақалар ўтказилади. Мисол тариқасида шундай ўйинларни кўрсатишимиш мумкин. “Пионербола”, “Тўп учун кураш”, “Тўп капитанга”, “Тўпни тўрт томонга узатиш” ва б.к.

Бундай вақтда ҳаракатли ўйинларга кўпроқ кичик ёшдаги болаларни жалб қилиш билан мусобақалар ўтказилади (“Кувноқ стартлар” ва б.к).

Кичик ёшдаги ўсмиirlар ўртасида ўтказиладиган ҳаракатли ўйинлар уларни кейинчалик хартомонлама гармоник ривожланишига ва жисмоний таълимни олишга ёрдам беради.

ЎСМИRLAR УЧУН ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРНИ ТАСНИФИ.

Болалар хаётидаги бу даврда (13-15 ёш, 7-8 синф ўкувчилари) ўсишни тез суръати ўзига хос хусусиятини кўрсатиб туради. Бунинг натижасида ўсмиirlарни ҳаракат координацияси бир мунча бузилади. ўғил болалар бу ёшда жинсий ривожланиши бошланади, қиз болаларда эса у тугалланади.

Яъни ўсмиirlни юрак-қонтомир системаси жинсий балоғатга етиши билан кучли таъсирчанлигига қарамасдан чидамлилик ва тез бажариладиган машқларга яхши мосланиши исбот қилинган. Бу узок давом этадиган югуриш қаршилик кўрсатишга ва курашиш чидамлиликка оид ҳаракатли ўйинлардан фойдаланишга имконият беради, бироқ буни педагог ва тибиёт ходими томонидан мунтазам равишда назорат қилиб боришлари керак.

Тоғай тўқмаларини суюкка айланиши давом этади, бўғимларни ҳаракатчанлиги камаяди мушакни хажми ва уни кучи бирмунча ортади.

Ўғил ва қиз болаларни кучайиши ва тез югуриш имкониятлари ўртасидаги фарқ яна ҳам катталашиб беради. Шунинг учун ўртадаги бу фарқни хисобга олиш зарур ва кучли ўйинлarda ўсмиirlарни жинсига қараб бўлиш керак. Қиз болалар кўпроқ музика жўрлигига, ўғил болалар – куч билан бажариладиган ўйинлар қизиктиради. Тез югуришга, тўсиқлардан ошиб ўтишга, узокка улоқтириш билан ўтказиладиган турли-туман ўйинларда хар бир команда ўғил ва қиз болаларни сонини бир хил бўлишини қаътий назорат қилиш керак, айрим холатларда бундай ўйинларни алоҳида ўтказилгани мақул бўлади.

Ўсмиirlарда ўйин доираси борган сари торайиб беради. Чунки бу ёшда уларга шундай ўйинлар ёқадики яъни улар ўзларини энг яхши томонларини кўрсатишлари мумкин.

Ўсмиirlар кўпроқ командали ўйинларга қизикадилар. Шу билан бирга командаларга бўлиш олдингиларга ўхшаб ўнгай эмас, ролларни табақалаштиришлари билан мураккабдир. Характерини бежиз эмаслиги, балки ўсмиirlда доимий командали ўйинларга қизикиши ортиб беради.

Ўсмиirlарга мазмунли ўйинга қизиқиши мутлақо йўқолади, чунки ўйинларни ташкил қилиш тизимиға қараб ва ҳаракатга солувчи мазмунли асосий ўринни эгаллайди.

Ўсмиirlарда спорт ўйинлари ва спортга тайёрлаш ўйинларидан кенг фойдаланилади.

Ўсмиirlар спорт учун зарур бўлган, ўйинда алоҳида малакаларни тренировка қилишини яхши кўрадилар. Улар уни фойдасини тушунадилар ва тўп билан ўйналадиган ўйинларни айниқса баскетбол, волейбол, футбол, қўл тўпига тайёрлайдиган ўйинларни иштиёқ билан ўйнайдилар. Бу ўйинда уларни қизиктирадиган нарса ўйинда ўзини тута билиш ахлоқи тактикаси ва ўйин техникаси малакаларини тренировка қилиш хаммадан кўпроқ эса ўйин жараёни ўзи.

Үсмирлар қаътий холисона хакамлик қилишни севадилар ва ўйин қоидаларига риоя қилишга ҳаракат қиласылар.

Бу ёшдаги ўкувчилар учун ўзига хослиги ўзларини кучларини хаддан ташқари ошириб бахолашга мойллигидир.

Үсмирларда сувда сузиш билан шуғулланганда ва кураш элементлари билан ўйналадиган ўйинларга яна хам кўпроқ ўрин эгаллади.

Оддий ҳаракатли ўйинлар қисман спорт ўйинлари билан алмаштирилади айниқса ўсмирлар билан мактабдан ташқари шароитда ва синфдан ташқари вақтда ўтказилади, чунки ўйинчиларни сонига қараб чегараланган ўйин қоидалари ва уни ўтказиш учун кўп вақт талаб қилинади. Дарсда уларни ўтказиш қаътий бўлади. Агарда у ўтказиладиган бўлса унда соддалаштирилган қоидалар бўйича ўтказилади.

Ҳаракатли ўйинлар бўйича тўсиклардан ошиб ўтиш билан эстафета, кураш, улоқтириш, сакраш, тирмашиб чиқиш ва ошиб ўтиш билан шунингдек ярим спорт ўйинлари бўйича мусобақалар кенг қўлланилади.

ЎСПИРИН ВА ҚИЗЛАР УЧУН ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРНИ ТАСНИФИ.

Юқори синф ўкувчиларида (15-17 ёшли) организмни ривожланиши ва ўсиши давом этади.

Склетни суюкка айланиши жараёни мушак кучини ривожланиши хали хам тугалланилмаган. Ўсмирларни оғирлиги айниқса суюкларни ўсишига ва мушакни оғирлигини ошириш хисобига ортади. Қизларда эса мушак системаси хусусан елка камари мускули ўспириналарга нисбатан секин ривожланади. Қизларда танани оғирлиги танани узлигини ортишига тозни хажми ва ёғ қатламларини хисобига ўсади. Бўғинларни шаклланиши тугалланади ва улар морфологик ўзгаришларига озроқ юмшоқ бўлиб қолади. Ўспириналарда бу даврда жинсий балоғатга этиш тугулланади. Абстракт фикрлаш қобилияти ходисани тахлил қилиш ўртоқларини ҳаракатига ва ўзларини қилиқларига онгли муносабати бирмунча ортади.

Тормозланиш функциялари такомиллашган бўлади, ўкувчиларда ирода, ўзини тута билиш ўйиндаги ютқизиқни кўпроқ тинч ўтказишни билишни ривожлантиради

Ўспирин ва қизларда у ёки бу спорт турига қизиқиши барқарор бўлади.

Ўйини кучли зўриқиши билан узоқ вақт давомида ўтказиш мумкин эмас чунки улар зўр беришга ва чарчашга олиб келади. Бироқ ҳаракат малакаларини такомиллаштриш учун ўйинда фаол ҳаракатларни кўп мартадан тақрорлаш жуда хам зарур.

Қизларда ўйинда тезлик, куч, чидамлилик, ўспириналарга нисбатан кам бўлади. Шунинг учун ҳаркатли ва спорт ўйинлари улар билан алохида алохида ўтказилади.

Бу даврда келиб спорт ўйинлари асосий ўринни эгаллади, ҳаракатли ўйинлар эса ёрдамчи восита хисобланади, турли-туман спорт турлари ва хар хил спорт ўйинлари учун ўйин тактикаси маданияти алохида малакаларни мустахкамлашда ва такомиллаштиришга имконият тугдирали.

Спорт элементлари билан ўйналадиган ҳаркатли ўйинлар шунингдек, у ёки бу спорт турлари билан шуғулланганда фаол дам олиш разминка сифатида фойдаланиш мумкин.

ҲАРАКАТЛИ ЎЙИННИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ЎТКАЗИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ПЕДАГОГИК ТАЛАБЛАР.

Ҳаракатли ўйинларни ташкил қилиш ва ўтказишда ғоявийлик, илмийлик ва ўйиндан фойдаланиш режага асосланганлигини, тарбиявий, таълимий ва соғломлаштириш натижаларига йўналтирилганлиги хисобга олиш зарур. Ўйинни ўтказишда раҳбарлик ёки йўл кўрсатувчи роли педагогка, тарбиячи, ёрдамчиларга тегишли бўлиши керак. Ўйин тарбиявий, таълимий ва соғломлаштиришни катта аҳамиятга кўпроқ уни бошқаришга бөглиқ бўлади. Битта ва шунга ўхшаш ўйинлар ёрдамида турли-туман ахлоқий ва жисмоний сифатларни тарбиялаш мумкин.

Биринчидан шуғулланувчиларга ўйини таъсир этишини аниқланади (мазмуни, ҳаракатланиши, ўйин қоидаси), иккинчидан методик усуллари билан бола уни ёрдами билан ўйинларни эгаллади, учинчидан, ташкил этиш услублари.

Ўйини мазмуни болалар уйда, мактабда, болалар боғчасида билим ва малакаларини эгаллаши, атрофни ўраб турган мухитга боғлиқдир. Шунинг учун ҳар хил ёшдаги болаларда ўйинда ҳар хил ўйин мазмунига кўра, худи шундай уни ўтказиш усули бўйича турлича ривожланади. Болани жисмоний ривожланиши ўйин ёрдамида хохлаган йўналишда ва бошқа жисмоний машқларни турлари мумкин қадар фақат мақсадга йўналтирилган холда ва доимо педагогик раҳбарлик қилингандা амалга оширилади.

ЎЙИН РАҲБАРЛАРИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ.

Раҳбар ўйин ташкилотчиси ва уни ўтказиш жараёнида болаларни тарбиячиси бўлиши шарт: 1) Шуғулланувчиларнинг саломатлигини мустахкамлаш, уларни тўгри жисмоний ривожланишига ёрдам беради; 2) Хаётни зарур бўлган ҳаракат малакаларини эгаллашга ёрдам беради; 3) Болаларда зарур бўлган одоб-ахлоқ иродавий ва жисмоний сифатларини тарбиялаш; 4) Ўйин билан мустақил равишда мунтазам шуғулланиш одатини ва ўкувчиларда ташкилотчилик малакаларини сингдириш.

Ўйин билан шуғулланиш дўстликни, ростгўйликни, жамоатчиликни, ватанпарварликни, онгли интизомни тарбиялашга ёрдам беради. Шу билан бирга жисмоний тарбия бўйича дастури билан мос равишда маълум ҳаракатни ўргатиш учун ўйинни тўгри танлаш мухимдир.

Хардоим хам ўйинни тўгри танлаб олиб, самарали ижобий таълим-тарбияга эришиш мумкин эмас у қўпроқ ўйинни ташкил қилиш ва ўтказиш жараёнига боғлик.

Таълимий, тарбиявий ва соғломлаштириш вазифаларини хал этишда тарбияни хусусан дидактик принципларини умумий қонуниятларини очиб борувчи ушбу педагогикага амал қилиши зарур.

Ҳаракатли ўйинлар билан шуғулланиш характери бўйича тарбиялайдиган бўлиши шарт. Ўйини мазмунидан фойдаланган холда (мазмуни, ҳаракат қилиши ва унга кирувчи ўйин қоидалари), педагог маълум даражада ўйинчиларни юриш-туришини, муамиласини ташкил этади. Бунинг учун у ўйнайдиган жамоани яхши билиши, ўйинни мазмунини ўрганиши ва юкори педагогик маҳоратга эга бўлиши керак.

Ўйинда болаларни ўзига хос хусусияти намоён бўлади. Ўйинда уларни хулқини ва характеристини ўрганиб олганидан кейин, раҳбар хаддан ташқари тез таъсирчанлигини, баҳслашишни, нотўғрилигини ёки ўйин қоидаларига риоя қилмаслигини, виждан йўқлигини ва хулқидаги бошқа салбий томонларни олдини олиш мумкин.

Жамоа ўйинларида раҳбар ўйинда мақсадга эришиш учун ўйинчиларни биргалашиб ҳаракат қилишга ўргатади, бу ўртоқлик хиссини, жамоатчилик, топширилган вазифага жавобгарликни хис қилиш, ўзини ишини охиригача етказишдаги қаътийлигини тарбиялашга ёрдам беради (акс холда командадаги ўртоқлари қийналади).

Ҳар бир ўйинда мақсадга эришишда қийинчиларни бўлади. Шунинг учун ўйновчилар, ўйин қоидаларини бузмасдан уларни енгиб ўтишлари керак. Биттагина қийинчиларни енгиб ўтгандан кейин, бошқасини олдинга суриш керак, чунки болалар уларни енгиб ўтишда, зўр беришлари керак. Бу эса меҳнат севарликни ва иродани тарбиялашга ёрдам беради.

Раҳбар у ёки бу ўйинни ўтказишда шуни белгилаб олиш керакки, у асосий тарбиявий ва таълимий вазифани аниқлаши керак (масалан, тўпни отиш ва илиб олиш нишонга улоқтириш малакаларини такомиллаштириш, енгил атлетика, гимнастика мағулотларида эгаллаган малакаларини мустахкамлаш, ўйновчиларда жасурликни ҳаракатни бир-бирига мувофиқлиги, жамоатчиликни тарбиялаш жойни ориентир олиш малакаларини тарбиялаш ва ш.к)

Болаларни олдига нисбатан аниқ, енгил ва тез хал қилинадиган вазифалар қўйилади. Масалан, “асирга” туширмаслик, рақибларни қидириб топиш, ўртоғини қўтқариш, рақибни

устидан ғалабага эришишдан иборатдир. Раҳбар айрим вақтларда уларни кўпроқ қийин вазифаларни таклиф қиласди (масалан, тўпни олиб юриш ва узатишни, баскетбол ўйини учун халқага тўп ташлашни эгаллаш).

Бошқариб борувчи ўргатишни фаол ва онгли равища қилинганлик принципи хисобланади. Ўйинни ўтказиша, раҳбар уни мазмунини ва вазифасини шунингдек ўзини тута билиш қоидаларини тушинтириш шарт. Ўйновчиларнинг онгли хулқи ўйинни такомиллаштиришга ва уни ижодий бойитишга имкон беради; бунда ўйин қатнашчиларини қизиқиши бир мунча ўйинни тарбиявий таъсир этиши ошиб боради. Болаларда ўйинда ўз ҳаракати ва ишларига онгли муносабатда бўлишга ўзининг ютуқ ва камчиликларини танқидий мухокама қилишни, ўртоқларини ҳаракатини ва хулқ авторини тахлил қилишга ўргатиш керак.

Агар ўйин яхши ўзлаштирилган бўлса фаоллик ошади. Ўйинни тақорорлаб туриш жуда фойдали бўлади, буни шуғулланувчиларни хулқи кўпроқ ўз айибига тушиниб боради, ҳаракат малакалари такомиллашади, ўйинда ўкувчилар фаол қатнаша бошлайди, эски ўйин қоидалари мураккаблашади, янги вазифаларни яратадилар (раҳбар билан биргаликда ёки уни назорати остида).

Ўйинга қизиққонлигини ортириб бориш болаларни фаоллаштиришга таъсир этади, буни кўпроқ боғлиқлиги шундаки уни ўтказиша унга тайёргарлик кўришида. Болаларни фаолигини ўйиндаги ташкилотчилик малакаларини тарбиялаш учун фойдаланиш лозим. Раҳбар уларга етакчилар, капитанларни раисни топшириш билан майдончани белгилашга хакамлик қилишга жалб этиш билан болаларни мустақил ўйнашга ўргатиши керак. Уларга ўйинни ташкил қилиш ва хакамлик қилишда секин-аста кўпроқ мустақилликка имкон беради. Танланган капитанлар камондани ҳаракатига раҳбарлик қиласди, ўйин қатнашчиларини орасидан ажратилган, хакам, ўйин қоидаларига аниқ риоя қилишни кузатади. Раҳбар ўйинни боришида хакамга тактик жихатдан ёрдам беради ва ўйновчиларнинг ўзини тўғри тутишига йўналтиради.

Болаларни фаол ва онгли равища ўйнашлари учун раҳбар ўйинни аниқ ва таъсирчанлик қилиб тушунтириши зарур. Кичик мактаб ёшидаги болаларга мазмунли ўйинни тушунтиришда айниқса таъсирчанлик бўлиши жуда мухимдир.

Ҳаракатли ўйинларни ўтказиша нафақат кўрсатишдан, балки кўргазмали қўлланмалардан хам фойдаланиш мумкин: асбоб-анжомларда, чизмаларда уларда майдондаги белги аломатлари ва ўйинчилари жойлашишлари, фото расмда ўйинни алоҳида маментлари кўрсатилган бўлади.

Ўйинни кетма-кет ўтилишини албатта режалаштириш шарт. Режалаштиришда болаларни маълум ёшига қараб жисмоний тарбия вазифаси, уни жисмоний тайёргарлиги шунингдек аста-секин малака ва билимни тўплашни хисобга олиш зарур. Жисмоний тарбия учун ўйинларни умумий таълим мактабларини жисмоний тарбия дастурига мос холда режалаштирилади.

Ўйин режалаштирилаётганда жисмоний машқларни бошқа турлари ва гимнастика, енгил атлетика машғулотларида эгаллаган улар ўртасидаги ички боғланишни ва малакаларни кетма-кет ўзлаштиришни хисобга олиш керак. Ўзлаштириб олинган билим ва малака олдин ўтганларини тақорорлаб ва янгилари билан мустахкамлаб борилади. Энг мухими чунки янги ўйинларда эгаллаган малака такомиллашиб боради ва янгиси пайдо бўлади.

Таниш ўйинларда нотаниш ўйинларга аста-секин ўтиш лозим. Бунда албатта топиш ўйинларга суюниш керак. Нотаниш ўйинларни бундай мақсади, ўтганлари билан ўхшаш шунинг учун янги ўйин қоидалари ва шартлари киритилиши шарт, аста-секин эгаллаган малака ва билимларга талабни оширилади. Ҳаракатни ўхшашлиги янги бирқанча мураккаброқ бўлган ҳаракатга ўтиш енгиллашади. Шундай қилиб кичик мактаб ёшидаги болаларда тезликни ва эпчилликни ривожлантириш учун “Ким чаққон”, сўнгра “Қопқон”, “Икки совуқ” ўйинларида фойдаланилади. Бу ўйинлар тузилиши ва ҳаракати бўйича бирбирига жуда яқин (тез югуриш билан чап бериб қутулиб қолиш) фақатгина иккинчи ўйинда

вазифа бирмунча мураккаблашади (катта эпчиллик талаб қилинади), “Икки совук”, ўйиндан кейин “Товон балиқ ва чўртон балиқ”ни ўтказиш енгил бўлади, бу ҳам тузилиши бўйича яқин бўлиб, бироқ ўйин қоидасига кўра кўпроқ мураккаб бўлади.

Янги ўйинларни ўргатишида ўкувчилар томонидан билимларни эгаллаши хисобга олинади ва уларни аста –секин мураккаблаштирилади. Янги ўйинларда эса ўйинларни элементи такрорланади, бироқ кўпроқ мураккаб шаклда “Ҳаракачан нишон” ўйинни билган болалар, “Овчилар ва ўрдакалар” ўйинига тезда киришиб кетадилар, унда иккита жамоаларни курашиш жараёнида бироқ ўзгартирилган шароитда, ҳаракатчан нишондаги каби худди шундай малакаси такомиллаштирилади. Кейинчалик бу малака янада мураккаброқ “Отишма” ўйинида такомиллаштириш мумкин, бунда ҳаракатчанг нишонга улоқтиришни ва тўпдан чап бериб қутилиб қолиши иккала команда бир вактда бажаради.

Ўйин шуғулланувчиларнинг тайёргарлигига мос келиш керак. Ҳар бир ўйинда шундай қийинчиликлар бўлиши шартки, чунки уни қатнашчиси мақсадга эришиш йўлида тўсиқларни ошиб ўта оладиган бўлади. Ўйинда, ўйновчилар қийинчиликларни енгиг ўта олмаса кучни жипислаштиrmаса, болаларни қизиктиrmаса ва уни педагогик қиммати бўлмайди, чунки ўкувчиларни қобилияти ва ирода сифати ривожланмайди.

Ўз кучига ишонишни тарбиялаш учун ўйинни тушунарли бўлиши катта ахамиятга эга. Кучи етмайдиган ўйинлар болаларни шуғулланишига бўлган қизиқишини пасайтиради ва уларни чарчатиб қўяди.

Ўйинда ўкувчиларни имкониятлари ва кучларига мос келадиган ролларни тақсимлаш жуда мухим. Бунинг учун ҳар бир ўкувчини билими ва унга яккама-якка ёндошиш зарур. Заиф болалар ўйинда қийинчиликларни енгиг ўтишни ўрганишлари зарур. Уларга кучларига қараб вазифалар берилади, чунки уларни ўз кучларига ишонишлари тарбияланади.

Зарур билим ва малакаларни эгаллашни системали равиша мустахкамлаш. Янги билим рефлекторга боғлиқ ўйинни такрорлаш натижасида мустахкам бўлиб боради, ҳаракатни янги усувлари тезроқ ўзлаштирилади. Ўкувчилар ўйинни қанчаки яхши тушуниб етса, шунча уларни малакаси такомиллашиб боради, улар учун шунча қизиқарли бўлади. Буни исботи шундан иборатки болаларни севимли ўйинлар доираси одатда чегараланган. Уларга севимли ўйинлари кўпроқ тарбиявий таъсир кўрсатади. Балки бу демак фақат уларни ўтказиш керак дегани эмас. Шунинг учун болаларга мазмуни бўйича турли-туман хартомонлама ривожланишига ёрдам берадиган ўйинларни тавсия қилиш зарур.

Бироқ болаларга қисқа вақт ичида кўп ўйинлар ўйнашни таклиф қилиш мумкин эмас. Болалар ўйинларни яхши ўзлаштириб олишлари шарт, уларда ўзини ҳаракатини ва хулқ одоб малакаларини такомиллаштиради. Ана шу мақсадда болаларга маълум бўлган ўйинлар мазмун ва ҳаракати жихатдан бироз мураккаблашган қоидалар билан такрорланади. Машхур педагог П.Д. Ушинский, яхши педагог эски ўйинларни такрорлаш, эсдан чиқкан ўйинларни такрорлаш дегани эмас, чунки эскиси эса янгисини ишончли қилиб мустахкамлайди деб айтган эди.

Ҳаракатли ўйинларни мунтазам ўтказиб боришин тавсия қилинади. Болалар бундай холатда алохида ўйинларни пишиқ ўрганиб оладилар ва уюшқоқлик билан ўйнашга ўргатади. Улар ўрганилган ўйинларни, ховлида майдончада, уйда ўтказадилар ва уларга ўзларининг ўртоқларини жалб қиладилар. Раҳбар ўзини тажрибаларини бошқаларга ўргатиш ва тарбиявий ҳамда таълимий мақсадда фойдалари ва қизиқарли ўйинларни танлаши шарт. Бунинг учун у болалар ўйинни хардоим ўрганиши ва уларни энг яхшиларидан фойдаланиш лозим: бошқа тарбиячиларни амалиётини тахлил қилиш методик усувларини бойитиб бориши; ўйин бўйича методик адабиётларни ўрганиб бориш керак. Иложи борича халқ миллий ўйинларини ташкил қилиш ва ўтказиш зарур. Улардан энг яхшиларини болалар билан ўтказиладиган тарбиявий ишни амалиётida кўллашлари шарт.

Болалар хаётига яхши ўйинларини тадбиқ қилиш учун ташкилотчиларни, ўйин бошиларни тайёрлаш зарур, чунки улар болалар ташкилотларида ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб борадилар.

ЎЙИННИ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КҮРИШ.

Ўйинни танлаш энг аввало дарс олдига қўйилган вазифага боғлиқ бўлади. Чунки уни аниқлашда, раҳбар болаларни ёш хусусиятларини, уларни ривожланишини, жисмоний тайёргарлигини, болаларни сонини ва ўйинни ўтказиш шароитини хисобга олади.

Ҳаракатли ўйинларда З дан то 300 тагачан киши қатнашиши мумкин.

Ташаббускорлик шароитида хаммадан кўра кўпроқ тез-тез 3-10 та ўйин қатнашчиларига мўлжалланган ўйинлардан фойдаланилади. Улар одатда болалар билан мустақил равишда ховлиларда, майдончаларда, шунингдек ҳар хил йиғилишларда ташкил этилади. Ўқитувчи, тарбиячи, етакчилар раҳбарлигида ташкил этилган машғулотлар (дарсда, йиғилишларда, дам олиш оромгохларида ўтказиладиган машғулотларда, спорт мактабида) 20-40 та ҳаракатли ўйинлар ўтказилади. Катта байрамларда кечаларда ва болалар кўп тўплланган оммавий сайилларда 100-300 ўйин қатнашчиларига мўлжалланган оммавий ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш мумкин.

Ўйинни танлашда албаттa ўтказиладиган машғулотни шаклини хисобга олиш шарт (дарсда, танаффусда, звенолар, байрамларда, сайрларда). Дарсда ва танаффусда вақт чегарланган бўлади; ўйин мазмуни ва вазифаси дасрдагига кўра, танаффусда бошқача бўлади; байрамларда айниқса оммавий ва аттракцион ўйинларидан фойдаланилади бу ўйинларда ҳар хил ёшдаги болалар ва турли тайёргарликдаги болалар қатнашишлари мумкин.

Ўйинни танлаш ва ўтказиш тўғридан-тўғри уни жойига боғлиқ бўлади. Унга катта бўлмаган тор залда, майдончада ёки йўлакчада ўйин бир чизикка сафланган холда ўтказилади, у ўйинда ўйнайдиганлар навбатма-навбат қатнашадилар. Катта залда ёки майдончада тарқалиб югуриш катта ва кичик коптокларни улоқтириш ва спорт ўйинлари элементлари билан ўйналадиган ўйинларни ўтказиш мумкин. Шахардан ташқарига сайрга ва экскурсияга чиқсан вақтида жойларда ўтказиладиган ўйинлардан фойдаланилади. Қишида майдончада қишки ўйинлар чанғида, конкида, чинада ва қардан ҳар хил шакллар қорқизлар ясаш мумкин.

Очиқ хавода ўйинни ўтказишда оби-хаво шароитини (айниқса қишида) хисобга олиш зарур. Агарда ҳаво харорати паст бўлса бундай пайтда барча ўйин қатнашчилари фаол ҳаракат қилишлари керак. Ўйинда кўп туриб қолиш ва ўзини навбатини кўп кутиб қолиш холатларидан қочиб қутилиш керак. Кунни иссиқ пайтларида энг яхшиси кам ҳаракатчанг ўйинлардан фойдаланилгани маъқул, чунки ўйин қатнашчилари ўйин топшириқларини навбат билан бажарадилар.

Шунингдек ўйинни танлашда қўлланмалар ва асбоб-анжомларни бор бўлишига боғлиқ. Тегишли асбоб-анжомларни йўқлиги ва уни нотўғри алмаштириш ўйинни бузилишига олиб келади.

Рахбар жисмоний тарбия бўйича дастуридаги ўйинлар, тўпламлардан, болалар ўртасида яхши ўйналадиган ўйинлар, раҳбарни ва болалар жамоаси ва мустақил ижодий янги ўйин вариантларидан фойдаланилади. Ушбу мақсад учун белгиланган тарбиявий жихатдан кўпроқ тез-тез самара берадиган янги шаклдаги, ижодий қайта ишланган ўйинларни янги шаклига эга бўлади.

Болаларни катта спортга бўлган катта қизиқиши билан боғлиқ жуда кўп ўйинлар спорт ўйинлари ва бошқа спорт турлари элементлари билан яратилган. Бу кичик ва ўрта ёшдаги ўқувчилари қулидан келадиган улар учун турли-туман спорт турларига иштирок қиласиган шаклда иштирок этишга рухсат беради: баскетболда (“Тўп учун кураш”, “Тўп капитанга”, “Тўрт томонга тўп узатиш”), волейболда (“Волейболчиларни тўп узатиши”, “Тўпни узатдингми ўтири”).

Тарбиявий ахамиятга эга бўлган миллий ҳаракатли ўйинларни кенгроқ оммалатириш зарур. Бу эса хар хил миллат болалари ўртасида дўстликни, ҳар хил халқларни турмуш хаёти ва маданияти уларни ўзига хос хусусиятлари билан таништиришга ёрдам беради.

ЎЙИНН ЎТКАЗИШ УЧУН ЖОЙНИ ТАЙЁРЛАШ.

Очиқ хавода ўйинни ўтказиш учун чимларни қирқиши керак (агарда теннис майдонча ва аниқ белгилар талаб қилинади) ёки теннис кўмкўк майдонча танланади (айниқса кичик мактаб ёшдаги болалар учун). Энг яхиси майдончани тўғри бурчак шаклида, энг камиде 8 м, узунлиги камиде 12 м бўлиши керак. Майдондан 2 м масофада бирнече скамейкани қўйиш тавсия қилинади. Иложи борича, ёзги майдончани атрофида дараҳтлар бўлгани яхши.

Бино ичида ўйинни ўтказишдги уни назарда тутиш керакки, чунки бино ичида, ўйновчиларни ҳаракат қилишига, иложи борича асбоб-анжомларни (брүся, турник, конь, козел) ёрдамчи хоналарга олдириб қўйиш керак. Агарда асбоб-анжомларни залдан олиш имконият бўлмаса, унда уларни зални қисқа девори томонига қўйилади ва скамейка, тўр ёки бошқа буюмлар билан ўраб қўйилади. Дераза ойналари ва лампалар сим тўрлар билан бекитилади. Бундан ўйинни ўтказишда олдин шомоллатилиши ва нам латта билан артилиши керак.

Рахбар жойларда ўйинни ўтказишдан олдин дастлаб жой билан яхши танишиб чиқиши керак ва ўйин учун шартли чегараларни белгилаб чиқиши шарт.

ЎЙИНГА АСБОБ-АНЖОМЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ.

Ҳаракатли ўйинларни ўтказиш учун байроқчалар, рангли боғичлар, ҳар хил катталиқдаги контоклар, гимнастика таёқча, булавалар ёки кеглилар, чамбарак, аргамчилар керак. Ўйинда асбоб-анжом чиройли, яшил рангда ва ўйинда ажралиб тарадиган бўлиш керак (бу кичик мактаб ёшидаги болалар учун энг аввало мухимdir). Асбоб-анжомни катта кичиклиги ва оғирлиги бўйича ўйновчиларни бўйларига мос бўлиш лозим. (умумий таълим мактаблари учун тузилган жисмоний тарбия дастурига қаралсин). Асбоб-анжом сонини олдиндан назарда тутиш лозим. Асбоб-анжомни ўтказиладиган жой билан ёнма-ён сақлаш мақсадга мувофиқдир. Мухими уни санитар холатини ва уни мунтазам равища тортубга солиб бориш керак. Болаларни тарбиялаш мақсадида болаларни асбоб-анжомларни таъмирашга ва сақлашга жалб қилиш фойдали бўлади.

Ўйин қатнашчиларига асбоб-анжомни тарқатиш ва қўйиб чиқиши фақатгина ўйинни тушунтириб бўлгандан кейин бажарилади. Буни болаларни ўзлари бажарадилар, чунки улар топширикни тез, аниқ ташкилий равища бажарадилар.

Майдонни белгилаш.

Агарда майдони белгилаш учун кўп вақт талаб қилинадиган бўлса унда буни ўйинни бошланишига қадар бажарилиши керак. Белгилаш мураккаб бўлмаса унда ўйинни мазмунини гапириб бериш билан бир вақтда ёки уни бошланишдан олдин бажариш мумкин, гапириб бериш вақтида фақатгина белгиланган чегарасини кўрсатиш мумкин. Тез-тез такрорланадиган ўйин учун майдончани доимо бўлиб турадиган белги чизиш мумкин.

Ўйин учун ажратилган белгилар равshan чизилган бўлиши шарт, ўйинга берилиб кетган, болалар учун, улар орқасидан ўнғайгина кузатиш имкониятига эга бўлинади. Ўйин учун чизилган чизик тўсиқдан, девордан ёки бошқа буюмлардан 3 м дан яқин бўлмаслиги керак, бўлмаса болалар шикастланишлари мумкин. Бу энг аввало югуриб ўтиш билан ўйналадиган ўйинларда жуда мухимdir, чунки бунда жуда-жуда катта гурух ўйин қатнашчилари бирвақтни ўзида “уylар” чегарасидан югуриб ўтадилар.

ЎЙИННИ ДАСТЛАБКИ ТАХЛИЛИ.

Рахбар ўйинни болалар ёшига мўлжаллаб ўйинни барча жарёнини дастлаб ўйлаб ва кўра билиши шарт, чунки уни қандай маментларда ортиқ қизиқиб кетиши, ўйновчиларнинг ножӯя билан қилган хулқлари, уларни қизикишларини пасайиб кетишлиарини келиб

чиқариши мүмкін, бундай ёқмайдыган холатларни олдини олиш учун, аввалдан ўйлаб күриш керак.

Болаларни яхши күрадыған раҳбар ўйновчилар ўртасидан кимни капитан, биринчи ўйинбошини, қамроқ уюшған болаларга қандай ролни беришни, бүш ва пассив ўйинчиларни қандай қилиб ўйинга жалб қилишни олдиндан ўйлаб күриши шарт.

Айрим ўйинчиларни ўтказиш учун у олдиндан ўйин қатнашчиларидан ёрдамчиларни белгилаб құяды, уларни вазифасини аниқлады ва агарда керак бўлса уларга тайёрланиш учун имконият беради (масалан, жойларда ўтказиладыган ўйинларда). Ёрдамчилар олдиндан ўйин қоидалари ва уни ўтказиш жойлари билан танишадилар.

Энг мухими, жамоада жамоага қизиқиш уюғотиши, ўзларини шахсий қобиляйтларини намоён қилишга, ўйинда ўртоқларини юрищ-туриш қоидаларини яхши ўзлаштириб олиши ташкилотчилик қобиляйтларининг сингдириш, болалар ижодини ривожлантиришга, ўйин жараёнидаги вазиятни тўғри бўлишига ва баҳолашга ёрдам беради.

ЎЙИНЧИЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ. ЎЙИНЧИЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ЎЙИННИ ТУШУНТИРИШДА РАҲБАРНИ ЖОЙИ

Ўйинни тушунтиришдан олдин, ўйин қатнашчиларини шундай қўйиш керакки, чунки улар раҳбарни яхши кўришлари ва уни сўзлаб беришини эштишлари керак. Энг яхиси ўйновчиларни дастлабки холатга турғизишлари керакки, чунки шу холатдан ўлар ўйинни бошлайдилар.

Агарда ўйини бошлаш учун ўйин қатнашчилари доирада турсалар, раҳбар ўйинни тушинтириш учун ўйновчилар орасида туради. Куп сонли ўйновчилар қатнашадиган оммавий ўйинларда у 1-2 қадам ташлаб доира ўртасида туради. Доира марказида туриш мүмкін эмас, чунки ярим ўйновчилар раҳбар орқасида туриб қоладилар. Агарда ўйновчилар икки командаға бўлинган бўлинниб ва бири иккинчисига катта масофада қарама-қарши сафтортиб турган бўлса (“Оқ теракми, кўк терак”, “Номерларни чакириш”, “Икки қулда тўп узатиш”), буларга тушинтириш учун командаларни яқинлаштириш керак, сўнгра уларни “ўйлар” чегарасигачан олиб борилади. Раҳбар бундай холатда, ўйинни тушинтириш пайтида, ўйновчиларни орасида майдончани ўртасида ён томондаги чегарасида туради у гоҳ у командаға, гоҳ бу командаға мурожат қилади. Агар ўйин сочилиб ҳаракат билан бажарилса (“Қувлашмачок”), унда ўйновчиларни сафга турғизадаи, улар кам бўлса ёки ўзлари олдида гурухларга бўлади, чунки уларни барчаси раҳбарни яхши кўришлари ва эшитишлари керак.

Ўйинни тушинтириш вақтида болаларни юзини қуёшга қаратиб ёки ойнага қаратиб қўймаслик керак (улар раҳбарни ёмон кўришлари мүмкін). Раҳбар энг кўринарли жойда барча ўйин қатнашчиларини кўриш ва уларни хулқ-атворини назорат қилиш учун кўринарли жойда ён томонида ёки ёруғликка юзи билан туриши керак.

ЎЙИННИ ТУШИНТИРИШ.

Ўйинни ютуғи маълум меъёрда уни тушунтиришга боғлиқ бўлади. Раҳбар гапириб беришга киришдан олдин, ўзи ўйин тўғрисида аник тасаввурга эга бўлиши шарт.

Сўзлаб бериш қисқа ва лўнда бўлиши керак: узоқ вақт давомида тушунтириш ўйинни ўзлаштиришда салбий таъсир кўрсатади. Кичик синфларда ўтказиладиган ўйинлардан ташқари, чунки уларга эртак ва мароқли шаклда тушунтириш мүмкін.

Химоя қилиб бериш мантиқан тўғри, кетма-кет бўлиши шарт. Ўйинни қуидаги режа асосида ифода этишни ушлаш тавсия қилинади: 1) ўйинни номи; 2) ўйновчиларни роли ва уларни жойлашиши жойи; 3) ўйинни бориши; 4) мақсад; 5) уни қонун қоидалари. Муаллиф ўйинни бориши хақида гапириб шак-шубҳасиз, ўйин қоидалари хақида гапиради, лекин химояни охирида уларга яна бир марта тўхталиб ўтади, чунки болалар уни яхшилаб эсда сақлаб қолишлари керак.

Химоя қилиш бир охангда бўлмаслиги керак. Ўйинни тушунтириш босиқ овозда бўлиши керак, айрим холларда уни кўтариб ёки пасайтириб чунки у ёки бу моментдаги мазмуни ўкувчиларни эътиборини қаратилиши зарур.

Химоя қилиш вақтида мураккаб терминларни ишлатиш мумкин эмас. Янги тушунча, янги сўзларни тушунтириб бориш керак.

Ўйинни яхшилаб ўргатиб олиш учун хикоя қилиб беришни кўрсатиш билан бирга қўшиб олиб боришни тавсия қилинади. У тўлиқ (ўйинни кўпроқ мураккаб моментларини раҳбар ёки ўкувчиларни ўзлари худди ўзидай қилиб қайтарадилар) ёки тўлиқ бўлмаслиги (ўйинни айрим моментларини имо-ишора ва алоҳида харакатлар билан тушинтиради) мумкин.

Тушинтиришда албатта ўкувчиларни кайфияти хисобга олинади. Шуни ёдда тутинки, яъни уларни диққати бўшашибган, шунинг учун раҳбар тушунтиришни қисқартириш ёки уни жойлаштириш керак. Агарда ўйин қатнашчилари хикоя қилиб бергандан кейин саволлар беради, барча ўйинчиларга мурожат қилиб, баланд овозда уларга жавоб бериш керак.

Ўйинни мазмунини бойфасил фақатгина шу пайтда тушинтириш мумкинки, қачонки ўкувчилар ушбу ўйинни биринчи марта ўйнаганларида. Ўйин такрорлаганда фақатгина асосий мазмунини эслатади. Ўйинни хотирада тиклаш учун энг яхши усул ўкувчиларнинг ўзларини жалб қилишдир.

Ўйин бошини сайлаш.

Ўйин бошини вазифасини бажариш ўйновчиларга катта тарбиявий таъсир кўрсатади. Шунинг учун иложи борича, бу ролда кўпроқ болалар бўлиши мумкин. Ўйин бошини ҳар хил услублари билан ажратиш мумкин.

Рахбарни тайнинлаш бўйича. Раҳбар уни ўйиндаги ролини хисобга олган холда ўйин боши қилиб тайнинлади. Бу услубни афзаллиги: кўпроқ муносиб ўйинбоши тезда сайланади. Ана шундай услубда ўйновчиларни ташаббуси бостирилади. Раҳбар ўйин бошини шу пайтда сайлайдики, болалар бир-бирлари билан хали танишмасдан туриб, кам вақт ёки белгиланган ўйин қатнашчисини тарбиялаш мақсадидаги ўйин боши қилиб сайлаш керак. Раҳбар ўйин бошини сайлашда ўзи танлашини қисқача қилиб тушунтириш керак, чунки ўйин қатнашчилари шубҳа түғдирмаслигини ва алоҳида ўйинчиларга бўлган муносабатда адолатсизлик бўлмаслиги керак.

Куръя ташлаш бўйича ўйинбошини танлаш услуби ҳам мавжуд. Куръя ташлашни хисоблаш улоқтириш ва бошқа услублар йўли билан ўтказиш мумкин. Болалар санаш учун доирада турадилар ва бирорта “Саноқ”ни бошлайдилар саноқни ҳар бир сўзини айтгандан кейин улар навбати билан ўйинчиларни кўрсатадилар. Охирги саноқ сўзи кимга тўғри келса, унда у ўйинбоши бўлади ёки доирадан чиқиб кетади. Охирги холатда саноқ шъерлари охирги ўйин қатнашчиси қолгунча айтилади ва охирги қолган ўйинчи ўйинбоши бўлиб қолади. “Саноқ” усули нисбатан қўп вақтни талаб қиласи; шунинг учун унинг одатда дарсдан ташқари вақтда ўтказиладиган ўйинларда фойдаланилади. Айрим холатлари “Саноқ” доирада ҳам фойдаланилади чунки кучли қўзгалиш кейин болаларни бир мунча тинчлаштириш учун қўлланилади “Саноқ” матин билан онгли равишда қўшиб айтилади у болаларни нутқини ривожлантиради.

Куръя ташалш йўли бўйича ўйинбошини аниқлаш учун “таёқ тортишиш” мумкин. Ўйин қатнашчилари таёқни пастдан ушлайди, сўнgra, иккинчиси, учинчиси ва х.к. Ўйин боши шу ўйинга бўлиши мумкинки, кимдан Ким таёқни охирида ушласа ёки қопқоқ қилиб ёпасан бўлади. Бу усул 2-3 ўйинчилар билан ўйнаолганда қўлланилади.

Куръя ташлашди улоқтиришда ҳам фойдаланиш мумкин. Таёқни, ташла, коптокни ким хаммадан узоққа отса, ўша онабоши бўлади. Бундай усул қўп вақтни талаб қиласи. Улардан дарсдан ташқари вақтда ўйинларни ўтказишда фойдаланиш мумкин.

Куръя ташалш йўли билан ўйинбошини аниқлаш ҳар доим ҳам мувоффақиятлик бўлавермайди. Бироқ болалар бу усулни мустақил ўйнаганларида тез-тез қўллайдилар, чунки у уларда тортишувни келтириб чиқаради.

Ўйин бошини ажратишини энг кўп қулай усулларидан бири-ўйновчиларни танлашидир. Бу усул педагогик жихатдан яхши бўлиб у болаларни жамоа бўлиб келган хохишини намаён қилишга имкон беради. Аммо кам ташкил қилинган болалар билан ўйналадиган ўйинда бу усулни қўллаш қийин бўлади, чунки бунда ўйин боши хизматига кўра сайланмасдан, балки кўпроқ қучли, тиришқоқ болаларни тозийки остида сайланади. Раҳбар болаларга ўйин бошини танлашда, ким яхши югурадиган, сакрайдиган, аниқ нишонга тегизадиган болаларни сайлашни тавсия қилиш мумкин.

Энг яххиси ўйинбошини сайлашда ёки тайнинлашда навбатга кўйиб қўйиш яхши, чунки ҳар бир ўйин қатнашчиси ушбу ролни бажаради. Бу фаолик ва ташкилотчилик малакаларини тарбиялашга ёрдам беради.

Ўйинбошини олдинги ўйин натижаларига кўра сайлаш мумкин. Олдинги ўйинларда кўпроқ эпчил, тазкор, чаққон бўлган ўйинчилар ўйинбоши бўлади. Бу хақда ўйин қатнашчиларига олдиндан эълон қилиниши керак чунки улар ўйинларда зарур булган сифатларни намаён қилишга ҳаракат қилишлари керак. Бу усулни салбий томони шундаки, яъни ўйинбоши ролида бўш ва эпчил бўлмаган болалар бўла олмайдилар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ўйин бошини сайлаш усулларини қўйилган вазифаларни, машғулотни шартига, ўйинни ҳарактерига, ўйновчиларни сонига ва уларни кайфиятига қараб алмаштириб бориш керак.

Командаларга бўлиш.

Командаларга бўлиш ҳар хил усуллар билан ўтказилади.

Раҳбарни ихтиёри бўйича, шундай холатда, қачонки кучлари teng бўлган, командани тузиш керак бўлганда, ўйновчилар командаларга бўлинади. Бу усул катта синф ўкувчилари билан мураккаб ҳаракатли ва спорт ўйинларини ўтказишида қўлланилади. Бундай усулда ўйновчилар командани тузишда ўйновчилар фаол иштирок этишда қатнашмайдилар.

Ўйновчиларни санаш йўли боши командаларга бўлиш мумкин: битта сафда туриб, бир-икки деб санайдилар; биринчи рақамлилар битта командани, иккинчи рақамлилар бошқа командани ташкил қиласидилар. Худди шундай усулда 3-4 командага хос бўлиш мумкин. Бу эса тез усул бўлиб, уни хамадан кўра кўпроқ тез-тез жисмоний тарбия дарсларида фойдаланадилар.

Бундай усулда командаларга бўлиш кучи бўйича ҳар доим хам бир хил бўлавермайди.

Ҳаракат қилаётган қаторда синаш ёки фигурали юриш йўли билан ўйновчиларни командага бўлиш мумкин. Ҳар бир қаторда командада ўйин учун қанча талаб қилинса шунча одам бўлиш керак. Бундай усулда командани таркиби тасодифан бўлади ёки қўпинча кучи teng бўлмайди.

Ўйин бўйича охирги иккита усул, ўтказиладиган дарс учун жуда қулай, чунки улар кўп вақтни талаб қилмайди ва битта машқ туридан бошқа турига ташкилий равишида ўтишга имкон беради.

Шунингдек тил бириктириш бўйича командаларга бўлиш усули хам қўлланилади. Ўйновчилар жуфт –жуфт бўлиниб (тажминан кучлар teng бўлган), капитанларини (бошликларини) сайлашадилар, ўзлари ким бўлишларини гаплашиб олганларидан кейин, уларга ном кўйиб капитанларини сайлайдилар. Бундай усулда командаларга бўлиш қарийб кучлари хардоим teng бўлади. Бу усулни болалар жуда яхши курадилар, чунки у ўзига хос ўйин хисобланади, лекин уни фақат шундай холатда қуллаш мумкинки, унда ўйинчи вақтга чегараланмаган бўлади (асосан дорсдан ташқари вактда ўтказилади).

КАПИТАНЛАРНИ ТАЙИНЛАШ БЎЙИЧА БЎЛИШ УСУЛИ.

Болалар иккита капитанни сайлайдилар, улар навбат билан ўз командаларига ўйинчиларни танлаб оладилар. Бу усул етарли даражада тез булади ва командалар куч жихатидан teng бўлади. Ушбу усулни салбий томони шундан иборатки, капитанлар бўш, жисмоний ожиз ўйинчиларни олмасликка ҳаракат қиласидилар, бу эса ўйинчилар орасида тез-тез аразлаш ва жанжаллашишга олиб келади. Бу холат келиб чиқмаслик учун танлаб

олишни охиригачан олиб борилмайди ва қолганларини санаш йўли билан бўлишни тавсия қилинади.

Капитанларни тайинлаш усули фақатгина катта мактаб ёшидаги ўкувчилар билан қўлланади, чунки ўйинчилар яхши биладилар ва уларни кучларини тўгри баҳолашни билади.

Доимий командалар ҳам бўлиши мумкин, шу билан бирга нафақат спорт ўйинлари учун, балки мураккаб ҳаракатли ўйинлар, ўйин-эстафеталардан айниқса синфлар, мактаблар шунингдек шахарлараро мусобақалар ўтказилади. Командаларни доимий таркиби “Кувноқ стартлар”, “Зарница” ва бошқа ўйинларда бўлади, чунки уларни мусобақаларга тайёрлаш керак.

КОМАНДА КАПИТАНЛАРИНИ САЙЛАШ.

Командага оид ўйинлар ташкил этишда капитанларни ёки командани бошлиқларига (командир) мухим рол берилдаи, улар ўз навбатида барча командани тўлик ва айрим ўйинчиларни хулқ атворига жавоб берадилар. Капитанлар тўғридан-тўғри раҳбарни ёрдамчилари хисобланади. Улар ўйин қатнашчиларини ташкил қиласди ва жойлаштирадилар, уларни кучлари бўйича тақсимлайди ҳамда ўйин жараёнида ўйинчиларнинг интизомига жавоб беради.

Капитан ўйинчиларни ўзлари сайлайдилар ёки раҳбар тайинлайди. Қачонки ўйновчиларнинг ўзлари сайлашса бир-бируни яхши фазилатлари, хулқлар бўйича баҳолашга ўрганадилар ва ўзларини ўртоқларига ишонч билдирадилар, унга юқори даражадаги жавобгарлик хис-туйғусини уйғотади. Агарда ўйновчиларни етарли даражада ташкил этилмаган ёки бир-бирларини яхши билмасалар, унда капитанларни ўзи тайинлайди. Раҳбар айрим пайтда лавозимга (тарбиялаш мақсадида) пассив ёки енгилтак, ўзларини тута билолмайдиган ўйинчилардан сайлайди, шу билан бирга уларда зарур бўлган фазилатларни тарбиялашга ёрдам беради.

Капитанлар одатда командалар тузилгандан кейин сайланади ёки тайинланади. Фақат командаларни бўлишда капитанларни сайлаш ва тайланаш йўли билан олдиндан сайланади.

Доимий командаларда капитанлар вақти-вақти билан қайта сайланадилар.

ЁРДАМЧИЛАРНИ ТАЙИНЛАШ.

Раҳбар томонидан сайланган, ёрдамчилар конун-қоидаларга риоя қилишни кузатади, ўйин капитанларини хисобга олади, шунингдек асбоб-анжомларни тарқатади ва қўйиб чиқади. Ёрдамчилар – булар эса бўлажак ўйин ташкилотчилари, шунинг учун иложи борича, ўкув йили давомида ёки оромгохларда дам олиш даврида уларни ролида барча ўкувчилар иштирок этишлари керак.

Ёрдамчиларни сони ўйин қоидасини мураккаблигига ва ўйинни ташкил қилишича, ўйновчиларни сони ва майдончани катта-кичиклигига, бинога боғлиқ бўлади. Раҳбар ёрдамчиларни тайинлаш хақида барча ўйинчиларга эълон қиласди.

Машғулот жараёнида ҳал этиладиган ўйинни мураккаблигига ва вазифасига боғлиқ бўлади, ёрдамчиларни ўйинчиларни сафга тургунча ёки ўйинни эълон қилинганда ва ўйинбошини сайлаганидан кейин ажратилади. Агарда куч ва чидамлиликни талаб қиласиган ўйин белгиланган бўлса (масалан, “Оқ айиклар”) унда раҳбар олдиндан жисмоний жихатдан бўш бўлган болаларни ёрдамчи ролига тайинлайди. Жойларда ўтказиладиган ўйинлар учун ёрдамчиларни олдиндан ажратилиши керак чунки улар билан бўлажак ўйинларга тайёргарлик кўрилиши керак. Командаларга бўлинниб ўйналадиган ўйинлар учун (масалан, “Отишма”, “Оқ теракми, кўк терак”). Ёрдамчини, болаларни тайёргарлигини хисобга олган холда, ўйини тушунтириб бўлгандан кейин ажратиш мумкин.

Болаларни ёрдамчиларни вазифасини бажаришга ўргатишда биринчи синфдан бошлашни тавсия қилинади. Дастлаб уларга оддий топшириклар бериш керак (масалан,

ўйинчилар майдончани чегарасидан чиқиб кетмаслиги, сигнал бергунча чизиқни босмаслиги ва х.к) сўнгра, уларни аста-секин муракаблаштириб бориб ёрдамчиларни иккинчи раҳбар ролигача олиб чиқилади.

ЎЙИН ЖАРАЁНИГА РАҲБАРЛИК ҚИЛИШ. ЎЙНОВЧИЛАРНИ ХУЛҚИНИ ВА ЎЙИННИ БОРИШИНИ КУЗАТИШ.

Ўйинни ва ўйин вақтида болаларни феъл-авторини, хулқини бирмунча даражада ўзлаштириши уни тўғри бошқаришига боғлиқ бўлади.

Ўйинни ўз вақтида ташкилий равишда бошлаш жуда зарур. Вақтида бошланмасдан ушлаб туриш ўйин қатнашчиларини ўйин олди холатини пасайтиради, болаларни ўйинга тайёргарлигини пасайтиради. Ўйинни бошланишини тўхтатиб қолиш фақатгина шу холатда бўлиш мумкинки, қачонки ўйин қатнашчилари командани ҳаракат қилиш режасини мухокама қилганда.

Ўйин шартли сигнал бўйича бошланади (Команда, хуштак, чапак чалганда қўлни ёки байроқни силкитганда). Ҳар хил буйруқда болаларни ҳаракат реакциясини тезлигини ва аниқлигини ривожлантириш учун турли-туман буйруқ ва сигналларни ишлатишини тавсия қилинади. Раҳбар белгиланган сигнал хақида болаларга олдиндан айтиб қўяди, шунинг учун барча ўйинчилар ўйинни мазмунини тушунтириш ва тегишли жойларни эгаллашлари керак.

Кейинчалик раҳбар ўйинни боришини дикқат бериб айрим ўйинчиларни хулқатвори, хулқларини кузатиб баради ва уларни ҳаракатини йўналтиради.

Болаларни ўйин қоидаларига онгли равишда риоя қилишга ўргатиш керак. Ўйин қатнашчилари ўйин қоидаларини ўйинни тушинтириш вақтида билиб оладилар, лекин уларга агарда олдинги ўйин қоидалари яхши ўзлаштирилган бўлса, ҳам, лекин уларга у тўғрисида ўйин жараёнини тез-тез эслатиб туриши ва тўлдириб бориши керак. Агарда кўпчилик ўйинчилар бир хил хатога йўл қўядиган бўлсалар, унда у ўйинни тўхтатади ва ўйинга ўзгартиришлар киритади.

Раҳбар мураккаб ўйинларни ўтказишида дастлаб болаларни асосий ўйин қоидалари билан таништиради, сўнгра ўйинни бориш давомида қўшимча қоидаларни киритади.

Ўйин кескин буйруқ, бақириқ ёки чақириқ билан тўхтатиши манн этилади. Шунинг учун болаларни хуштак бўйича “Дикқат!” шартли сигнални бўйича тўхтатишига ўргатиш керак.

Ўйин жараёнинда ўйинчиларни ижобий ташаббускорлигини ривожлантиришга ёрдам бериш керак. Ўйинга шундай раҳбарлик қилиш керакки, чунки ўйин жараёнини ўзи болаларга қанча-қанча хурсандчилик баҳш этиши керак. Бу имкония фақат шундай холатда бўладики, агарда ўини қатнашчилари фаоллик, ижодий ташаббускорликни ва мустақилликни намаён қилганларида бўлиши мумкин.

Ҳаммадан кўпроқ ўйновчилар ўзларини ижодкорлигини шундай ўйинларда, намоён қиладики яъни уларга ёқадиган ўйинлар тез-тез намоён бўлади. Раҳабар болаларни ўйинга қизиқтириш, билиш уларни эргаштира билиши керак. Бунинг учун болаларни имкониятлари ва қизиқишилари уларни хохиши ва кайфиятига педагогик жихатдан тўғри ва уларни хис-туйғуга мос келишини хисобга олган холда раҳбарлик қиласи; баъзи холларда ўзини хулқи билан болаларни эргаштириб, ўйинда қатнашади. Раҳбар шу билан бир вақтда, ўйинга қизиқиб кетмасдан, балки ўзини педагогик вазифасини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Ўйинда қатнашиши билан бирга, у нафақат ўйинчиларда қизиқишни оширади ва айрим вақтларда уларга алоҳида усулни, айрим тактик комбинациялардан дадили ва яхшилаб фойдаланишни ҳам кўрсатади.

Агарда раҳбар ўйинда қатнашмайдиган бўлса, ўйинни кузатиши вақтида, у ўйин қатнашчилари билан биргаликда ютуқ ва камчиликларини биргаликда кўриб чиқилади.

Ўйинчиларга топширилган, вазифани ва у қоидаларни вижданан бажаришгандагина онгли интизомга эришиш мумкин. Онгли интизом ўйинни жуда яхши ўзлаштиришга ва уни қатнашчиларига яхши кайфият бағишлишига ёрдам беради. Натижада ўйин яна ҳам кўпроқ

қизиқарлы бўлиб боради. Болаларда ўйинда ўзини тутишини онгли муносабатда бўлишини тарбиялади, уларни ўртоқларини мардонавор ҳаракат қилишига йўналтиради: “Ўртоғингни қутқар!”, “Орқада қолаётганларга ёрдам бер!”, “Ўзингни ўртоқларинг билан мақсадга эришинг!”, “Ўзинга берилган вазифани охиригача бажар, бўлмаса комandanг ютқазади!”. Айниқса кўпроқ диққат-эътиборни болаларни жамоада ўйнашга одат бўлинган ўйинларга қаратилиш керак.

Ўйин жараёнида ўйновчиларни кайфиятини хисобга олиш жуда зарур бўлади. Агарда ўйин ёқмаган бўлса ва уни қандай сабабаларга кўра ёқмаганлигини хисобга олиш керак: жуда ҳам содда ёки уни тескариси, мураккаб бўлиш мумкин. Бундай холатларда ўйин қоидаларини алмаштириш (мураккаблаштириш ва соддалаштириш), бошқа иложи топилмай қолганда, ўйинни узоқ вақт давом этишини қисқартириш керак.

Рахбарга ўйинни энг кўпроқ ҳавфли онларни (мураккаб тўсиқлар устидан сакраб ўтиш, баландликдан пастга сакраш, девор, асбоб-анжомлар атрофида югуриш) хисобга олиш зарур ва ҳар доим муҳофаза қилишга тайёр бўлиш керак. Бунда ўйинга қатнашмаётган болаларни жалб қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мухими шуки ўйин шуғулланувчиларни ҳулқини ва кайфиятини нерв системасига самарали таъсир кўрсатадиган ижобий хиссиётни келтириб чиқаради. Лекин ўйинда маъқул бўлмаган сифатларни тарбиялашга ёрдам берадиган, салбий хиссиётни келиб чиқишидан (хафа бўлиш, жаҳл чиқиш, қўрқиши) қочиш керак. Шунингдек ўйин ўзаро муносабатини тартибга солиш, ортиқча асабийлашларини ўзаро муносабатини тартибга солиш, ортиқча асабийлашишдан холи бўлиши зарур.

Ўйинда айрим холатларда тартиб бузилади, чунки раҳбар ўйинни тушуниб бўлмайдиган қилиб гапириб берганда келиб чиқиши мумкин. Бундай холат тезда ўйин қоидаларини қўшимча тушунтириш керак.

Шунингдек, интизом командаларга нотўғри бўлинганда ёки ўйин бошиларини нотўғри танлаш натижасида бузилиш мумкин. Болалар тўпалон қиласи уни ачиғини келтиради. Командаларни нотўғри бўлинганда (бири иккинчисидан кучли бўлганда) ўйин вақтида бўш бўлган команда ўйин қатнашчилари кўпроқ эътиroz билдиришади. Агарда ўйинчиларни сони тенг бўлганда командаларда, раҳбар яхши эътибор бермаса, бунда ҳам ёмон бўлиши мумкин. Уни сезиб, ёмон кўриб қолганда кечиктирмасдан хатоки тўғрилашиши керак.

Ўйинда кўпроқ ўзини тута билмайдиган ўйинчилар интизомни бузадилар. Улар билан алоҳида, яккама-якка тарбияяй ишларни олиб бориш зарур: ўйин бошига ҳакамликка оид маъсул ролларни юклаш мумкин, айрим холларда унинг тескариси бўлади, яъни ўйиндан четлаштирилади. Ўйин жараёнида мухим умумий қизиқишлирига эга бўлган ўйин қатнашчиларини бир бутун жамоага бирлаштирилади.

А.С. Макаренконинг ўғил ва қиз болаларни ўзининг шахсий мувоффақияти билангина эмас, балки айниқса ўз командаси ёки жамоасининг мувоффақиятлари билан фахирланиш руҳида тарбиялаш зарурлиги хақида айтган гапларини хеч қачон унитмаслик керак. Шунингдек болаларда харқандай мақтанчоқликни олдини олиш, рақиб кучини хурмат қилишни тарбиялаш, уларнинг эътиборини уюшқоқликка, машқ қилишга ва командада интизом бўлиши кераклигига жалб қилиш лозим. Нихоят болаларнинг ўз мувоффақиятлари ва мағлубиятларига жиддий муносабатда бўлишларига эришиш керак.

Ўйновчилар ўртасида соғлом ўртоқлик муносабатлари бўлиши шарт. Ўйин ғолибларини манманликка берилиб кетишига йўл қўймаслик зурур ва бу эса мағлубиятга учраганларни ўйинга бўлган қизиқиши сус ўтиришга олиб келади.

Ўйновчиларнинг ўзаро ҳаракати ўртоқлик ва дўстлик асосида ташкил қилинганлиги хис қилишлари шарт.

ХАКАМЛИК ҚИЛИШ.

Ҳар бир ўйин объектив ва оқилона хакамлик қилишни талаб қиласы. Агар ўйин қоидаларнинг бажарилишини диққат билан ва жиддий равишда кузатилмаса, ўйин ўзининг таълим-тарбиявий ва педагогик қиймати ва ахамиятини йўқотади. Ўйин қоидалари бажарилишини кузатиш билан биргаликда, раҳбар педагогик усуллар ёрдам билан таълим ва тарбияни бошқарип боради. Хакам эса ўйинда усулларни тўғри бажарилишини кузатади, бу ўйин техникасини яхшилашга ва унга бўлган қизиқишини тўлиқ оширига ёрдам беради.

Командаларга бўлинниб ўйналадиган ўйинларда, бунда объектив ва аниқ хакамлик қилиш алоҳида аҳамиятга эга, бу айниқса мусобақа ёрқин ифода қилган ва ҳар бир команда ютишига манфатдордир. Ҳакам командаларнинг куч ва ўйинчиларини сони жихатдан тенг бўлишини, шунинг учун бир ҳил шароит яратилишини (ўйин ўтказиладиган, асбоб-анжомлар ва бошқалар жихатдан) кузатиб бориши керак.

Нотўғри хакамлик қилиш ишончини йўқотади, уни обруси тушиб кетади, ўйновчилар улар билан хисоблашмай қўядилар.

Ҳакам барча ўйновчиларни кўришга ва уларга халақит бермасликка, кузатишга қулай бўлиши учун жой топиши шарт. Унга айрим ўйинларда ўйинчиларини силжишларини кузатиш учун майдон бўйлаб ҳаракат қилишга тўғри келади.

Ҳаракат ўйин қоидасини бузулганлигини сезгандан кейин, даров ўз вақтида ва аниқ сигнал беради. У ўйновчилар билан баҳислашишга киришмасдан одоб билан танбех беради. Шу билан бирга ўйинни натижаларини тўғри якунлаш хакамга боғлиқ бўлади. Лекин ҳаракатли ўйинларни тўғри хакамлик қилиш болаларда хақиқатгўйликни хакамга ва уни қоидаларига нисбатан хурматда бўлишни тарбиялашга ёрдам беради. Ҳакамга тегишли танбех бериш ва тушунтириш беришни ўйин тамом бўлгандан кейин амалга ошириш керак.

ЎЙИН ЖАРАЁНИДА ЮКЛМАНИ ТАҚСИМЛАШ.

Ҳаракатли ўйини ҳар бир ўйин қатнашчисини имкониятини хисобга олиш жуда қийин, шунингдек уни шу вақтдаги жисмоний холатини ҳам. Шунинг учун бирданига хаддан ташқари мушакни таранглаштиришни тавсия қилинишда, чунки у тез ҷарчаб қолишни келтириб чиқаради нафас олишни секинлаштиришни талаб қиласы.

Бунинг учун оптималь юкламани тамиnlash шарт. Юкламани интенсив тез боришини дам олиш билан алмаштириб бориши керак.

Ўйини ўтказишга киришишдан олдин, болаларни кайфиятини ва олдинги ўтган фаолияти ҳаркатини хисобга олиш зарур. Агарда ўйин катта жисмаоний ёки ақлий зўриқишидан кейин ўтказилса (синфда назорат ишдан кейин ёки далада ишлаш) катта зўриқишини талаб қиласидиган, усуллардан мустассно, кам ҳаракатли ўйинларни таклиф қилиш керак.

Машгулот вақтида интенсив ўйин билан кам ҳаракатли ўйин билан алмасиб борилади.

Шуни хисобга олиш кераки, ўйновчиларнинг жўшқин холатини ошириш билан ўйинда юклама ошади. Бироқ ўинга берилиб кетган, ўйновчилар бир-биридан ошибиб кетишга ҳаракат қилиб, ўзларини имкониятларини хисобга олишмайди ва куп куч сарифланади, бу эса сезги меъёrlарини йўқотади.

Ўйновчи болалар тез-тез кучига ортиқча баҳо беради ва ҷарчашни келиб чиқишини сезмайдилар. Шунинг учун раҳбар уларнинг кайфиятига, тайёргарлигига, саломатлик холатига ишонмаслиги керак. Чунки кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга бериладиган юклама, катталарга қараганда аста-секин ошириб борилади. Гарча ўйинчилар хали дам олишга ихтиёж сезилмаса ҳам гоҳ ўйинни тўхтатиб қўйиш мумкин.

Ўйинда юклама ўйин қатнашчиларининг умумий ҳаракатчанлигини ошириш билан ёки камайтириш билан тақсимлаб борилади. Юкламани ўзгартириш учун ҳар ҳил методик усуллар мавжуддир. Буни кисқа вақтли танаффусларда хатони тахлил қилиш, очколарни хисоблаш, ўйин қоидаларини аниқлаш, ёрдамчиларни тайинлаш, югуриб ўтиш учун масофани қисқартириш, ўйинда тақрорлаш сонини камайтириш ва хокозо шунинг учун улардан фойдаланишни уюштириш мумкин. Уларни фаолигини ошириш учун,

ўйновчиларни гурухлар бўлиб югуриб бошқа жойга ўтиш масофасини ошириб бориб, қўшимча тўсиклар билан тўлдириб, ўйин қатнашчиларини ҳаракатчанлигини ошириш мумкин.

Ўйин бошилар узоқ вақт давомида дамолмасдан ҳаракатда бўлишига, йўл қўймаслик шарт. Ўйин бошларини вақти-вақти билан ҳаттоки, агарда улар ютаолмаслар ҳам алмаштиришни тавсия қилинади.

Барча ўйновчилар иложи борича ҳамма ўйновчилар тахминан бир хил юклама олишлари шарт. Шунинг учун ўйнда ютқазган ўйинчиларни (агарда бу ўйин қоидаси бўйича талаб қилинса) фақатгина қисқа вақтга чақириш мумкин. Энг яхшиси уларни ўйиндан чиқармаслик керак, уни ўрнига жорима очко берилгани маъқул бўлади.

Тиббий назорат маълумотларини хисобга олиш керак, алохида диққат-эътиборни заиф болаларга қаратилиши зарур. Улар учун яккана-якка юклама бериш, яъни қисқартирилган масофа, енгилаштирилган топшириқ ўйинда бўлиши вақтини қисқартириши мақсадга мувоффикдир.

Очиқ хавода ўтказиладиган ўйинни давом этиши шунингдек оби-хаво шароитига боғлиқдир. Очиқ хавода ўтказиладиган машғулот вақтида организмга ҳаракатни физиологик таъсир этиши ошиб боради.

Ўйндаги юклама ўйин майдончасини катта-кичиклигига боғлиқ бўлади: майдон қанча катта бўлса, ўйин қатнашчилари шунча кўп юклама оладилар.

Шундай қилиб тақсимлаш ўйин ўтказиш шароити ва методикаси бўйича аниқланади.

ЎЙИННИ ТАМОМЛАШ.

Ўйин давом этиши, шуғулланувчиларнинг таркибига машғулотни шартига ва ўйинни характеристига боғлиқ бўлади.

Ўйин ўз вақтида тамомалш жуда мухимдир. Ўйинни олиндан тутатиб қўйиш ва уни чўзиб бориш ҳам мумкин эмас.

Ўйинни давом этиши ўйин қатнашчилари сонига (ўйновчиларни сони қанча кам бўлса, ўйин шунча қисқа бўлади), уларни ёшига (кичик мактаб ёшидаги болалар узоқ вақт давомида зўрикиши мумкин эмас), ўйинни мазмунига (катта зўрикишни талаб қиласиган ўйинлар, қисқа бўлиши керак), ўйинни ўтказиш жойига раҳбар томонидан таклиф қилинган меъёрда, раҳбарни тажрибасига (кам тажрибага эга бўлган раҳбарни ўйини узоқ давом этмайди) ва бошқа сабабларга боғлиқ бўлади.

Раҳбар ўйинни тамом бўлиш вақтини аниқлаш шарт. Агар ўйинда чарчашни биринчи аломатлари пайдо бўлиши билан, (эътибор бермайдиган бўлса, қоидани бузганда, ҳаракатни тўғри бажариши, мақсадага эришишда қаътиятликни етарли даражада намоён қилмаслик, қизикишни пасайиши кўпчиллик ўйин қатнашчиларида нафас олишни тез-тез бўлиши) ўйинни тўхтатиш керак.

Раҳбар ўйин олдидан белгиланган вақитда яъни ўйинни маълум вақит ўтишидан кейин тўхтатиши мумкин. Буларни хисобга олаган холда, ўйин қатнашчиларини ўзларини кучларини мос равишда тақсимлайдилар вақтини томом бўлишига 1-3 дақиқа қолганда ўйин қатнашчилари огохлантирилади.

Жамоа бўлиб ўйналадиган ўйин олдидан иложи борича ўйин қатнашчиларига уни неча марта қайтаришини айтиш керак.

Агар ўйин маълум вақтда томом қилишни билмасалар раҳбар уни қачон томом бўлиши тўғрисида огохлантиради масалан, “Ўйин боши алмашмагунча, ўйнаймиз”, “Яъни 1-2 дақиқа ўйнаймиз” ва х.к. Ўйинни томом бўлиши ўйин қатнашчилари учун кутилмаган холат бўлмаслиги керак. чунки булар болалар ўртасида салбий келишмовчиликларни келтириб чиқаради.

Шунингдек ўйинни давом этиши машғулотни шаклига боғлиқ. Жисмоний тарбия дарсида ўтказиладиган, ўйин вақти чегараларнган бўлади. Агарда у синфдан ташқари вақтда ўтказиладиган бўлса, унда у узоқ давом этиши мумкин ва болаларда кўпроқ

чидамлиликтен тарбиялашга ёрдам беради. Бундай ўйинлар ўқувчиларни яна ҳам юқори күчланишларга ўргатади.

Шундай қилиб раҳбар ўйинни шу вақтда яъни қачонки болалар ҳам чарчамасдан унга янада қизиқиш ортаганда улар тетик, тўлақонлик ҳаракатда бўлганвақтда томом қилиш мумкин.

ЎЙИН НАТИЖАЛАРИГА ЯКУН ЯСАШ.

Ўйин натижаларини аниқлаш катта тарбиявий ахамиятга эгадир. Раҳбар ўйин томом бўлгандан кейин уни натижасини айтиши шарт. Бунинг учун тинч шароит юратиши керак, агарда керак бўлса, ёрдамчилардан очкони хисобга олиб борувчилардан маълумотни йиғиб олади ва натижани баланд овозда эълон қиласди. Ҳеч қачон хакам билан этишишга йўл қўймаслиги зарур. Чунки хакамни қарори барча учун мажбурийдир.

Ўйин натижаларини аниқлашда нафақат тезликни бироқ у ёки бу топшириқни сифатли бажаришини хисобга олишни, буни ўйин қатнашчисини олдиндан огохлантириш керак. Раҳбар ўйин тугагандан кейин айрим ўйинчиларни ҳаракатларига ва умуман ўтказилган ўйинга баҳо бериш ўйин натижаларига якун ясайди.

ЎЙИННИ ТАХЛИЛ ҚИЛИШ.

Ўйинни натижаларини эълон қилишда ўйинни тушиниб етиш, ўйин қатнашчилари томонидан техник усуллар ва техникасида қўйилган хатосини кўрсатиб бериш зарур. Кичик мактаб ёшидаги болаларга ўйинни сюжетини тахлил қилишда ўйинни сюжетини ривожлантиришдаги ижобий ва салбий томонларни, алоҳида ролларни яхши бажарган ўйин қатнашчиларини кўрсатиб ўтиш жуда фойдали бўлади. Ижобий ташаббус кўрсатган ва ўйин қоидаларига риоя қилган ўқувчиларни алоҳида ўрнак учун кўрсатиб ўтиш керак.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, яъни ўйин жараёнини ўтказишини ўзи жуда мураккаб: у нафақат болаларни ёш хусусиятларига, ишлаш шароитига, балки болаларни жамоа бўлиб ўйнашга тайёр гарлигига, уларни кайфиятига, ўйин раҳбарини ўзининг маҳоратига ҳам боғлиқ бўлади. Ўйинни ўтказиш педагогик жараён бўлиб, уни хардоим ҳам олдиндан айтиб бўлмайди.

Болалар билан шуғулланишни амалий тажрибаси шуни кўрсатадики, ўйин жараённида ўйновчиларни ҳаракатини тахлил қилишни ва тузатишни билиш, тўғри тахлил қилишни ва ўйинни раҳбари сифатида ўзини хулқини баҳолашни билиш ўйинга раҳбарлик қилиш маҳоратини такомиллаштиришга ёрдам беради.

ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ШАКЛЛАРИ. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ДАРСЛАРИДА ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРНИ ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ.

Ҳаракатли ўйинлар жисмоний тарбия методи ва воситаси сифатида мактабда жисмоний тарбия дарсида ва синфдан ташқари машғулотларда кенг қўлланилади.

Ҳаракатли ўйинлар жисмоний тарбия бўйича мактаб дастурига мос равишда 1-9 синфларда гимнастика, енгил атлетика, спорт ўйинлари, кураш, сузиш билан бирга қўшиб олиб борилади.

Жисмоний тарбия дарсларида ҳаракатли ўйинлар дастур талабларига мос равишда таълимий, тарбиявий ва соғломлаштириш вазифаларини хал этиши учун фойдаланилади.

Таълимий вазифаларга қўйидагилар киради: югуриш, сакраш, улоқтириш малакаларини мустахкамлаш ва такомиллаштириш шунингдек гимнастика, енгил атлетика, спорт ўйинлари, кураш ва сузиш машғулотларида эгалаган малакаларга эга бўлади.

Тарбиявий вазифаларга қўйидагилар киради: жисмоний (тезкорлик, эпчилик, куч, мерганлик, чидамлилик) ва ахлоқий иродавий сифатлар (жасурлик, халолик, жамоатчилик ва х.к.).

Соғломлаштириш вазифасига ўқувчиларнинг организимини нормал ривожлантиришга, уларни соғлигини мустахкамлашга ёрдам беради.

Юқорида айтиб ўтилган вазифалар бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Уларни хал этишда ўқув тарбиявий жараённи ҳар хил томонларини хисобга олиш керак. Худди шундай, “Ким чаққон” ўйинини ўтказишида чап берип югуриш тезлигини такомиллаштириш учун, кичик мактаб ёшидаги болаларда бир вақтни ўзида дадилликни, зийракликни, ўзини кучига ишонишни ривожлантириш мүмкін.

Жисмоний тарбия дарсларидағи ўйинларни бошқа машғулот шаклларидан фарки энг мухими ўйинни таълимий ва соғломлаштириш томонига дикқатни қаратиш керак, шунингдек жисмоний тарбия сифатига ҳам.

Дарс учун ўйин танлашда, дарсни вазифасини, ўқув материалини, ўйинга киругчи ҳаракат турларини, ўйинни физиологик юкламасини, ишлаш учун шарт-шароитни хисобга олиш зарур.

Ҳар бир ўйинде ўйин қатнашчиларидан билим ва малакаларини намаён қилишни талаң қиласы, уни ўйин жараённанда такомиллаштиради. Элементар ўйинларга маҳсус тайёргарликни талаң қилмай. Бирок шундай ўйинлар борки, мураккаб ҳаракатлардан ташкил топған ўйинлар бор. Масалан, қуидаги ўйинларни ўқувчиларга таклиф қилиш мүмкін эмас, (“Тұп капитанга”, “Тұп ўртадагига”) агарда улар тұп оширишни уни илиб олишни билмаса ва ракиб билан бир-бирига тегишида узатышни, яхши реакцияға ҳаракат координациясими ва бошқа зарур бўлған сифат ва малакаларини эгалаб ололмайди.

Ўйинга киритилган, мураккаб ҳаракатларни шуғулланувчилар маҳсус машқлар ёрдамида ўзлаштирадилар. Истисно тарикасида аввалдан ўргатишни талаң қилмайдиган элементар ва таббий ҳаракатлар бўлиши мүмкін. Масалан, “Бўри зовурда” ўйинде югуриб келиб узунликка сакраш таббий бўлади. Жисмоний тарбия бошқа воситалари ўртасида ўйинни ёки жойини аниқлаш зарур ва улар ўртасидаги кетма-кетлик методик жихатдан тўғри бўлади. Бу эса қўйилган вазифани яхшилаб хал этилган дарсни зичлигини оширишга ва машқни тўғри тақсимлашга ёрдам беради. Координацияси бўйича мураккаб машқдан кейин бир жойга тўпланған дикқатни талаң қилмайдиган кўпроқ оддий топшириқларга амал қиласы. Мушаклар, факт хозиргина тезлик билан ишладилар, кейинги машқлар (ўйинде) қарийб қатнашмади ёки бошқача ҳарактердаги ишни бажаради. Шундай қилиб, югуриш, сакраш билан бажариладиган ўйиндан кейин ёки қаршилик кўрсатиш билан машқ ўтказиш мураккаб координацияли, мувозанатни саклайдиган, аниқ ҳаракатни талаң қиладиган, қаршилик кўрсатиш билан машқни ўтказишни тавсия қилинмайди.

Агарда дарсни асосий қисмини ҳаммаси ўйинга бағищланған бўлса, бунда кўпроқ ҳаракатли ўйинлар билан камроқ ҳаракатланадиган ўйинлар билан алмашлаб олиб борилади, шу билан бирга ҳаракатни ҳарактери бўйича турли-туман ўйинлар танлаб олинади.

Ҳаракатли ўйинларни дарсни ҳамма қисмларига киритиш мүмкін. Ўйин мазмунини шуғулланувчиларнинг таркибиға ва вазифасига боғлиқдир. Дарсни тайёрлов қисмига кам ҳаракатли ва мураккаб бўлмаган ўйинларни киритилишини тавсия қилинади, бу ўқувчиларни дикқатини ташкил қилишга (“Гурух тик тур!”, “Оғма таёқ!”) ёрдам беради, шунингдек ўртacha ҳаракатдаги ўйинлар билан бажариладиган умумривожлантирувчи ҳарактердаги машқлар (“Тақиқланған ҳаракат”) дир. Дарсни асосий қисимда тез югуриш, чап бериш ёки алдаб ўтиш чидамлилик, тўсиқни ошиб ўтиш ҳар хил сакрашлар қаршилик кўрсатиш, кураш, қўзғалувчан ва қўзғалмайдиган нишога улоқтириш билан бажариладиган ҳаракатли ўйинлардан фойдаланилади.

Дарсни якуний қисмиде ўртача кам ҳаракатчанликка оид ўйинлар ўтказилади, у мураккаб бўлмаган ўйин қоидалари билан дикқатни ташкил қилиш учун ўтказиладиган ўйинлар, дарсни асосий қисимдаги тезлик билан бериладиган юкламадан кейин фаол дам олишга ёрдам беради. (“Ким келди”, “Гурух тик!”).

Жисмоний тарбия дарсиде ҳаракатли ўйинларни ўтказиш методикасини ўзига хослиги дарсни зичлигига тўғри келадиганлыгини сақлаб қолиш зарурлиги ва қисқа муддатлилик билан боғлиқдир.

Вақтдан мақсадға мувофик фойдаланишда ва ўйинни ўтказиши методикасими түрін танлаш эса дарсда зарур бўлган зичликка эришилади. Шунга эришиш учун, барча ўйинда қатнашувчи ўйинчилар тахминан бир хил юклама оладилар. Шу билан боғлиқ бўлган барча шуғулланувчиларни ўйинда фаол қатнашишлари учун тенг шароит яратиб беришга ҳаракат қилиши керак.

Одатда ҳаракатли ўйинларни ёппасига оид (фронтал) метод билан ўтказилади. Ўйин қатнашчилари барчаси 2-3 гурухларга бўлинадилар ва ҳар бир гурухда битта ва шу ўйинни ўзи мустақил равишда ўтказилади.

Ўйинда гурухга оид метод ҳам қўлланилади. Раҳбар ўйинчиларни икки гурухга бўлиб, уларга ҳар хил ўйинлар беради. Одатда гурухга оид метод турли-туман таълимий вазифаларни ҳал этиш учун 6-8 синфларда фойдаланилади. Масалан, қиз болаларга “Ўйин бошига тўп берма” ўйинини таклиф қиласи (баскетбол ўйинига тайёрлаш учун), ўғил болаларга “Айланадан ташқарида” (футбол ўйинига тайёрлайдиган).

Ёки ўғил болалрга чидамлиликни, кучни ривожлантиришни тарбиялаш учун қизларга-координацион қобилиятни тарбиялайдиган ўйин берилади. Ўйинга маълум вақтни белгилаш шартдир. Чунки уни ўйновчиларни чарчаши, ўйинни етарли даражада ўзлаштиргмаганлиги ва бошқа сабаблар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Дарсда ўйин ўкувчиларни соғломлаштиришга қаратилган бўлиши керак. Шунинг учун ҳаммадан кўра уни майдончада ўтказилгани яхши. Агарда ўйин бино ичидаги ўтказиладиган бўлса, унда ижобий таъсир кўрсатадиган гигиеник шароит яратилиши керак.

Тиббий кўрикдан кейин асосий гурухга киритилган, болалар уларни синф учун жисмоний тарбия бўйича дастурда берилган, барча ҳаракатли ўйинларда қатнашишлари мумкин. Махсус тиббий гурухга ажратилган болалра ўйинда фаол қатнашиш истакларини билдирганлигини хисобга олмасдан, уларни ҳаракатини чегаралаш зарур. Уларга ҳаракат қилишини талаб қилмайдиган ёки ўйин вақтини қисқартириш нафсониятига тегмайдиган шунга ўхшаш ролларни бериш керак. Шунингдек уларни хакамни ёрдамчиси, очколарни хисоблайдиган сифатида жалб қилиш мумкин. Шу билан бир вақтда заиф болаларни уларни саломатлигини мустахкамлаш учун уларни кучлари етадиган ўйинларга жалб қилиш керак.

Жисмоний тарбия дарсларда ҳаракатли ўйинлар ўкув йилини ҳар бир чорагига ўқитувчи томонидан кўйилган мавсум ва вазифаларини хисобга олган холда бутун ўкув йилини бўйича режалаштиради.

Режалаштиришда ўкув йилини бўйича дастурда таклиф қилинган, ўйин рўйхатига амал қилиш керак. Ўқитувчи мактабда ишлаш шароитида келиб чиқсан холда бу ўйин рўйхатига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиши мумкин: шуғулланувчиларнинг миллий таркиби, географик шароитига, шуғулланувчиларнинг тайёргарлигига машғулотни, жихозлар ва бошқалар учун бинолар бўлиши зарур.

Ўйин учун соат миқдори дастурда берилган. Бироқ ишни шароитидан ва ўргатиш вазифаларидан келиб чиқсан холда айрим ўзгаришлар киритиши мумкин.

Ўкув йилига мўлжалланган ўйинни, барча ўкув материалини режалаштиришни хисобга олиш билан уларни чораклар бўйича тақсимлаб чиқиш керак. Ўзбекистон Республикаси шароитида мактабларда 1,2 ва 4 чоракда мактаб майдончасида ўтказилади, шунинг учун режага коптокни узоққа улоқтириш, ҳар хил масофаларга югуриш, ўйин-эстафеталари киритилиши мумкин.

3-4 синфдан бошлаб 1 ва 4 чораклардан ўкув материалини асоси енгил атлетика машқларидан ташкил топган, ҳаракатли ўйинлар фақат алоҳида енгил атлетика малакларини мустахкамлайди ва такомиллаштиришга ёрдам беради. Анна шу мақсадда тез югуриш, тўсиқлардан ошиб ўтиш, сакраш ва улоқтириш билан эстафеталар ўтказилади.

Иккинчи чоракни ярмиси ва учинчи чоракда машғулотлар бино ичидаги ёки спорт залда ўтказилади, шунинг учун кўп жойни талаб қилмайдиган ўйинларни режалаштирилади. Бу вақтда ўкув материалларини асосини гимнастика машқлари ташкил қиласи, лекин ҳаракат координациясини тарбиялайдиган, фазони мўлжалга оладиган, сезги

ритми мувозанат сақлаш малакаларини ривожлантирадиган ва мустахкамлайдиган ўйинларни ўтказиш фойдалидир.

Тўртинчи чорак ва ўкув йилининг охирида назорат машқлари ўтказилади. 1-2 синф ўкувчилари учун назорат машқлари ўкувчиларнинг уюшқоқлигини, мерганлигини, ҳаракат реакцияси тезлигини ва бошқа сифат ва малакаларни намоён қиласидиган ўйинлар бўлиши мумкин. Шунингдек назорат топширикларини эгаллашга тайёрлайдиган, машқлар билан бажариладиган ўйинлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Ўйин давом этиши ва уларни вазифаларига боғлиқ бўлган холда ўйинни чораклар бўйича тақсимланади. Янги ўйинлар асосий 1-2-3 чорак охирида ўрганиб оладилар 1-чоракни бошида ўтган ўкув йилида ўрганилган ўйинларни ўзгартирадилар ва мустахкамлайдилар 4-чоракда эса ушбу ўкув йилида ўтилган ўйинларни асосан мураккаблаштирилади ва мустахкамлайдилар.

Чораклар бўйича режалаштирилганда, худди шундай дарслар ҳам ўйинни ўтиши ва такрорланиши кетма-кетлиги ҳам назарда тутиш керак. Ўкув йилининг бошида ҳар бир синфда кўпроқ енгил ўйинлар ўтказилади, охирида эса уни мураккаблаштирилади.

Ўқитувчи ўкув йилининг охирида ўкув материалини ўзлаштирилишини сифатини хисобга олади ва келгуси ўкув йилида уни режалаштириш учун тегишли хуносалар қиласиди.

1-4 СИНФ ЎҚУВЧИЛАР УЧУН ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАР.

1-4 синф дарсларида ҳаракатли ўйинлар катта ўрин эгаллайди. Буни маълум бўлишича, кичик мактаб ёшидаги болаларга одат бўлгани, ҳаракатга бўлган катта талабига мос келиш эхтиёжидир. Болалар ўсадилар, уларда организм вазифасини мухим системаларини ривожлантиради. Бундай ҳаракатлардан, югуриш, эмаклаб тагидан ўтиш, мувозанат сақлаш, эмаклаш, ритмик юриш, сакрашларни, болалар ўйин пайитида яхши ўзлаштирадилар. Улар ҳаракатни аниқ тушинарли кўринишда енгил қабул қиласиди.

Бу ёшдаги болаларда ҳаракат тажрибаси жуда камлиги, учун дастлаб тузилиши оддий ва элементар ўйин қоидалари сюжет характеристига оид мураккаб бўлмаган ўйинларни ўтказиш тавсия қилинади. Оддий ўйинлардан кўпроқ мураккабига ўтиш ўйин қатнашчиларини ҳарбирига ташаббускорлик намоён қилиш, ўйновчиларни, хулқи, координация ҳаракатларига бўлган талаблари секин-аста ошиб боради.

1-синфда ўкув йилининг бошида командага оид ўйинларни ўтказиш тавсия қилинмайди. Ҳаракат тажрибаларини эгаллаш билан ва жамоа бўлиб ҳаракат қилиш фаолиятида болаларда қизиқишни ортиши Билан, дарсга жуфт-жуфт бўлиб мусобақа элементлари бўлган ўйинларни киритиш мумкин. (югуриш, чамбарак орқасидан қувлаш, арғамчидан сакраш, коптокни думалатиш). Кейинчалик болаларни бир неча гурухларга бўлиш мумкин ва ҳар хил оддий топшириклар типидаги, эстафета мусобақа ўйинлари ўтказилади.

1-4 синфларда кўпчиллик ўйинларни ўтказиш учун қулланма ва асбоб-анжомлар керак. Болаларда куриш рецептори бўш ривожланган, дикқат тарқоқ, шунинг учун ранг баранг бўёқлик асбоб-анжом керак.

Мухими, шундаки чунки асбоб-анжом болаларни жисмоний имкониятларига мос келиши керак. У хажими бўйича қулай енгил бўлиши шарт. Айниқса 1 кг оғирлиқдаги тўлдирма тўпни фақат думалатиш ва узатиш учун фойдаланилади, лекин отиш учун ишлатилмайди; 7-8 ёшли болалар волейбол тўпи билан ўйнагани яхши бўлади.

1-4 синфларда ўйин ўтказиш учун иложи борича қўйидаги асбоб-анжомлар бўлгани яхши: 20 та ҳар хил рангдаги унча катта бўлмаган байроқчалар, 40 та кичик копток, 4 та катта копток (волейбол) 4-8 чамбарак, 40 та қисқа аргамчилар, 2 узун аргамчи, 6-8 қум солинган қопчик, 6-8 та қоғозли қалпоқ (цилиндр шаклида) ва 6-8 кўз бойлоғичлар керак бўлади.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга ўйинни қисқа лўнда қилиб тушунтириш керак, чунки раҳбар томонидан барча баён қилинган ҳаракатларни тезда худди ўзидай қилиб

қайтаришга ҳаракат қиласылар. Болалар тушунтиришни охиригачан эшитмасдан улар тез-тез ўйиндаги у ёки бу ролни бажаришга хошил билдирадилар.

Ўйин хақида эртак шаклида гапириб бериши болалар катта қизиқиши билан қабул қиласылар ва ўйинда ролни ижодий бажаришга, тасаввур этишини тарбиялашда ёрдам беради. Болалар жисмоний юкламани олгандан кейин уларга дам олиш керак бўлганда ёки диққат-эътиборсизликда, ўйини яхши ўзлаштириш учун қуидаги усуслардан фойдаланиш тавсия қилинади.

1-4 синф болалари жуда фаол қатнашадилар. Ўзларини имкониятларини хисобга олмасдан, уларни барчаси ўйинбоши бўлишни хохлайдилар. Шунинг учун бу синфларда шартли сонгачан санаш йўли билан сайлаш ёки уларни қобилиятларини мос келтиришга қараб ўйинбошини сайлаш мумкин. Ўйновчилар бирорта сонни 30 гачан айтадилар ва бошлиқ, санаб уни олдида турган болаларни кўрсатади; кўрсатилган сон кимга тўғри келса, ўша ўйинбоши бўлади.

Олдинги ўйинларда ғолиб чиқкан, ўйинчини ўйинбоши қилиб сайланади, чунки у бошқалардан кўра вазифани яхши бажарилганлиги чиройли холатда турганлиги ва тутилмасдан қолганлиги сабабали ўйни шу йўл билан рағбартлантирилади ва х.к. Ўйин бошини сайлаш болаларда ўзларининг ва ўртоқларини кучларини тўғри баҳолаш қобилиятини ривожлантиришга ёрдам беради.

Ўйин бошини иложи борича тез-тез алмаштириб туриш мақсадга мувофиқ бўлади, чунки болаларни фаоликка бўлган эҳтиёжини қондириш, уларда топширилган вазифага жавобгарликни хис қилишни ва элементар нотиқлик малакасини ривожлантиришни тарбиялади.

Тормозлаш функциясини тарбиялаш учун ўйинда бериладиган сигналлар катта ахамиятга эгадир. 1-4 синф ўкувчиларига асосан оғзаки сигнал бериш тавсия қилинади, яъни бу ёшда, яна жуда ҳам такомиллашмаган иккинчи сигнал системаларини ривожлантиришга ёрдам беради. Болалар оҳанг билан айтиладиган сўзларни ўйинда ҳаракат қилиш учун сигнал сифатида яхши кўрадилар. Хор бўлиб қофияга солиб айтиладиган сўз нутқини ривожлантиради ва шу билан биргага, уларни охирги сўздаги оҳангни ҳаракатга тайёрлаш имкониятини беради. 7-9 ёшли ўкувчилар ўйинда бундай сигналлар беришда қисқа сигнал хуштак чалиш бирмунча самарали бўлади. Хуштак билан тез сигнал бериш болаларда айрим холда тормозланишни келтириб чиқаради ва ўйин давомида мос келадиган ҳаракатлар реакцияси пасаяди. Хуштак, қисқа буйруқ, қўлни силташ билан бериладиган сигналлар болаларда реакция тезлигини ривожланиши билан секин-аста фойдаланиш бошланади.

Болалар кўпроқ ҳаракатчанликни ва чаққонлигини кўтараолмаслигини хисобга олиб болаларни ўйинда йўл қўйган хатолари учун чиқаришни тавсия қилинмайди. Агарда ўйини мазмунига кўра ютқизган ўйинчиларни чиқишини талаб қилинса, унда ўйиндан чиқарилганлар учун алоҳида жой ажратиш керак ва улрани узоқ муддатга ўйиндан чиқаришман этилади.

Ўйинда юриш – туриш қоидалари бузилганда ва ўйин қоидаларига риоя қилмасалар унда раҳбар чидаб бўладиган муносабат бўлиши керак, шуни эсда сақлаш керакки, яъни қоидаларни бузилиши асосан тажрибасизлиги, ўйинда жамоа улиб ўйнашни билмаслиги, болаларни умумий жисмоний тайёргарлиги етарли даражада бўлмаслигидан келиб чиқади.

Жисмоний юкламани қаътий равишда тартибга солиш ва чегаралаш зарурдир. Ўйинни умумий давом этиши узоқ давом этмаслиги шарт. Югуриш, сакраш билан ўйналадиган ўйинларда қисқа-қисқа танаффус билан ўтказилиши керак. Ўйинда тўсик қўйиш қўлидан келиши шарт. Ўйин натижасини айтишини орқага сурмаслик керак.

1-4 синф жисмоний тарбия дарсларида ҳаракатли ўйинлар жамоада ўкувчиларни фаол ва онгли хулқини онгли тарбиялаш учун фойдаланилади: бир-бирига халақит бермасдан югуриш, таз ҳаракат қилиш белгиланган сигнал бўйича ўйинга тезда киришиб кетиши, ўйин бошини обрўсига бўйсениш, майдончани чегарасини кўришдир.

Мухими болаларда ўрнатилган қонун қоидани хурмат қилиш, уни аниқ билиш ва сидқидилдан риоя қилишни тарбиялаш. Бу вазифаларни ўйинни кўп марта такрорлаш билан хил этиш мумкин.

Ҳар бир дарсга қуйидаги яъни дарсни умумий вазифаси билан боғлиқ бўлган ўйинлар киритилади. Дарсни асосий қисмида тезликни ва эпчилликни ривожлантириш учун ҳаммадан кўра тез-тез чопиб бошқа жойга ўтиб олиш ўйини (“Ким чақон”, “Икки совуқ”, “Бўри зовурда”), унда болалар алдаб ўтиш билан тез югуриб сакраш иргишишдан кейин дам олиш мумкин.

Ритмик юриш ва қўшимча гимнастик ҳаракат билан ўйналадиган ўйинлар, ўйновчилардан уюшқоқлик, диққатни, ҳаракатни бир-бирига мослигини талаб қиласидиган умумий жисмоний ривожланишига ёрдам беради. Уни энг яххиси дарсни тайёрлов ва якуний қисимга киритилади (“Ким келди”, “Тўп қўшнига”, “Ўйлаб топ кимни товуши”, “Тақиқланган ҳаракат”).

1-4 синфлардаги айрим дарслар тўлиқ турли-туман ҳаракатли ўйинлардан ташкил топган бўлади.

Ўйинлардан ташкил топган, дарс, ўйин қатнашчиларидан баъзи бир ўйинни малакаларини ва хамжихатликни билан юриш-туришни эгаллашни талаб қиласиди. Бундай дарсларда болаларга таниш бўлган 2-3 ўйин киритилади ва 1-2 таси янги ўйинлар бўлиши керак.

Методик жихатдан тўғри ташкил қилинган ўйин дарси катта тарбиявий ахамиятга эга бўлади, лекин уни таълимий қиммати кўпинча етарли эмас, чунки ўйинда ҳар хил ўйин қатнашчисини малакаларини тўғри шакиллантиришни кузатиш қийин бўлади.

Ўйин дарслари ҳар бир чорак охирида татил олдидан ўтказиш тавсия қилинади (асосан 1-синфда) чунки чоракда ўтилган ўкувчилик асосий ҳаракатларни қай даражада ўзлаштирганликларини белгилайди, уларни ўйиндаги уюшқоқлигини ва интизомини текшириш, улар ўтган ўйинларни қандай эгаллаганлигини, аниқлаш, уни мустақил ўтказишга маслаҳат беради.

1-4 синфлар учун жисмоний тарбия дарсларида ўтиладиган тахминий ҳаракат ўйинлар. “Узун таёқ билан эстафета”, “Мерган”, “Биз қувноқ болалар”, “Кун ва тун”, “Дўнгдан-дўнгга сакраш”, “Сакрабодом чумчуқлар”, “Тўп қўшнига”, “Уйсиз куён”, “Қуёнлар полизда”, “Петначи”, “Картошка экиш”, “Кам очко тўплаш”, “Октябрятлар”, “Арғамчи учтида сакраш”, “Зовурдаги бўри”, “Ўртага тўп узат”, “Ким қувлаб ўтади”, “Онабошига тўп бериш”, “Синф смирно!”, “Оқ айиклар”, “Бўш жой”, “Овчилар ва ўрдаклар”, “Хўрзолар жанги” ва бошқалар.

5-6 СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАР.

Бу синфларда назорат дарсидан ташқари барча дарсларда ҳаракатли ўйинлар киритилади. Энг мухими улар дарсни асосий ва якуний қисмларида ўтказилади.

5-6 синфларда, олдин ўтилган жуда кўп ўйинлардан фойдаланилади. Уларга кўпроқ турли-туман ҳаракатлар қўшилади, мураккаблашган тўсиқлар киритилади. 1-4 синфларга нисбатан, ўйин вақти узоқ давом этади.

Ўкувчилар жамоа бўлиб ўйин ўйнаш тажрибасига эгалар. Бу даврга келиб командага оид ўйинлар бирмунча кўпроқ намоён бўлади. Жисмоний имкониятларни ўсиши билан боғлиқ қисқа вақтли кучни зўрикиши билан ишлатиладиган ўйинлардан фойдаланиш мумкин (“Хўрзолар жанги”, “Арқон тортиш”, “Жуфт-жуфт бўлиб тортиш”). Буларда кучни таранганиши қисқа вақтли бўлиб, бунда раҳбар қаршилик кўрсатишни тўғри усуllibарини ёнгилгина кузатади, модомикий мусобақалашиш фақатгина икки киши бирвактда қатнашиш мумкин.

Чидамлилик ва тезкорликни ривожлантириш учун шундай ўйинлардан фойдаланилади, уларда болалар ҳамма вақт ҳаракатда бўладилар (“Тўр”, “Оқ айиклар”). Шунга ўхшаш ўйинларни ўйин қатнашчилрига чарчатиб қўймаслик учун, кўпи билан 5 дақиқадан оширмасликни тавсия қилинади.

5-6 синфларда командали ўйинларда ролни иложи борича табақалаштирмок керак. (“Отишма”).

Болаларда спортта, айникса спорт ўйинларига катта қизиқиши намоён бўлади. Шунинг учун кўпчилик ҳаракатли ўйинларга тарли-туман спорт турлари билан шуғулланишга болаларни тайёрловчи элементлари киритилади.

“Алпомийш” ва “Барчиной” тест меъёrlарига кирувчи ўйинларга тўсиқлардан ошиб ўтиш, улоқтириш ва бошқа ҳаракатларни киритиш мумкин, чунки ўкувчиларни уни топширишга тайёрлашга ёрдам беради.

Дастурда тавсия қилинган, айрим ўйинларда, ўйинбошилар ўз вазифаларини бошидан охиригача бажаради (“Тур”, “Қопқон”, “Оқ айиклар” ва б.к). бундай ўйинлар учун кўпроқ тайёргарлик кўриш ўйинчиларни танлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки ўйин бошини танлашда ўкувчиларни маслахатидан фойдаланиш яхши, улар ўзларини ўртоқларини кучини билади ва ўз ўзини танқид руҳида гапиришаолади. Шунинг учун раҳбар ўкувчиларга ўйин бошини, у қандай сифатларга эга бўлишини, кўрсатиб, танлашни тавсия қиласди. Ўйин бошини танлашда бошқа усувлардан ҳам фойдаланилади.

Ўйинни тушунтиришда сўзлаб беришни охирида эътиборни ўйин қоидасига қаратиши керак. Бу ёнда хикояни оброзли қилиб гапириб бериш ноўрин, лекин сюжети айрим ўйинларда сақланиб қолади.

Бу ёндағи ўйин айникса командали ўйинлар алохида ўринни эгаллайди, шунинг учун ўкувчиларни кучлари тенг бўлган командаларга бўлишни ўргатиш зарур. Командаларга бўлишни усувларини қуллаш мумкин, яъни ўйинчиларни командани капитани қилиб тайнлашдан ташқари, чунки улар ҳали командаларни объектив равишда ташкил этаолмайдилар.

Шу билан барча ўкувчилар жуда ҳам хис-туйғуни тўла бўлганлиги сабабли, уларга эстафета ўйинларида ўзларининг навбатларини кутиш қийин, яхшиси уларни катта бўлмаган командаларга бўлинади, ҳар бири 8-10 киши бўлади.

5-6 синф ўкувчиларида ҳаракатга бўлган ўзаро қизиқиши ортадаи. Уларни нафақат якуний натижа, балки у ёки бу ҳаракатни сифатли бажарилиши қизқтиради.

Жисмоний тарбия ўқитувчиларига дастур талаблари гимнастика, енгил атлетика, машғулотларида вактида ўрганиладиган ҳаракатларига ўхшаш бўлган ҳаракатларга жиддий ёндошишга мажбурлайди.

Ҳаракатни қайта-қайта такрорланиши ўкувчиларда тежамкорлик, тезлик қобилияtlарини ривожлантиришга ёрдам беради ва уни ўйин вазиятида бажариш мақсадга мувофиқдир.

Бу ёндағи ўкувчилар ўртоқларини маслахатларидан фойдаланишга ҳаракат қиласдилаr ва айрим холларда улар билан катталарга нисбатан кўпроқ хисоблашадилар. Шунинг учун раҳбар баъзи холатларда айрим ўйинчиларга жамоа орқали таъсир кўрсатиши керак.

Жамоатчилик руҳида тарбиялаш учун ўртоқларини кутқаришга ёрдам берадиган фойдали ўйин бўлиб, у хис қилиш бурчини ва жасурликни тарбиялашга ёрдам беради. (“Чақириш”, “Оқ теракми, кўк терак”).

Бу давирда ўйинда болаларга халол хулқли бўлишга болаларни ўргатиш енгил бўлади. Худди шундай “Қўл ва тўп” ўйинида тушинганларини ўзларини командаларида қолишини таклиф қилиш мумкин ва тутилганларни санаганда қўлларини кўтарадилар. Агарда улар буни қилмасалар, унда раҳбар уларга алохида диқкатини қаратиши шарт. Қачонки ўкувчилар дадил ва қўрқмасдан ўзини хатосини тан олишни билиб олса, ўйнash қизиқарли бўлади ва ўйинда хакамлик қилиш бир мунча енгил бўлади.

Айрим ўйинларга баскетбол элементларига ўхшаш тўпни эгаллаш техникаси элементлари киритилади. Уни бажарилишини кузатиш зарур, чунки тўғри малакани тарбиялашда кечани ишлаб чиқилган стереотипни йўқотиш анча қийиндир.

Ҳаракатда хамжихатликни тарбиялаш, ўкувчиларни ўйинда ҳаракат қилишга ўргатиш мухим, ўртоқларини ҳаракати билан мувофиқлаштириб, улар рақибни фикрини ўйлаб топишни билишни ўргатиш.

Ҳакамлик қилишда диққатини жиддий равишда қаратилиши зарур. Бу ёшдаги болалар қаътий холисона ҳакамлик қиласидилар. Ҳакамлик ва ташкилотчилик малакалрини тарбиялаш учун ўкувчиларни ҳакамни ёрдамчиси сифатида жалб қилиш мумкин, айрим холатларда ҳакамлик қилишларига имконият бериш керак. 5-6 синф ўкувчилари ўзларига топширилган вазифани одатда жуда ҳам халол бажарадилар.

Дарсда ҳаракатли ўйинлар гимнастика, енгил атлетика ва кросс тайёргарлиги билан бирга қўшган холда фойдаланилади. Гимнастика ёки енгил атлетика ҳаракатларини такомиллаштириш ва мустахкамлаш учун дарсни барча қисмини мазмунини тўлиқ ўйин ташкил қилиш мумкин. Бундай холатда турли характердаги ҳаракатдан ташкил топган бўлиб у дарсни вазифасини хал этишга ёрдам беради. Одатда ҳаракатли ўйинлар дарсни асосий қисмини иккинчи ярмида ўтказилади, уни бошида гимнастика ва енгил атлетика элементлари ўрганилади.

Баъзи вақтларда таниш ўйинлар дарсни тайёров қисмida (қачонки ўкувчилар чарчаганда ва диққати ейилганида синфда назорат дарсларидан ва охирги дарсдан кейин).

Кам ҳаракатли ўйинлар айрим холатларда ўкувчиларнинг диққатини бир жойга тўплаш ва тинч холатга келтириш учун дарсни якуний қисмida ўтказилади (“Ким келди”, “Тақиқланган ҳаракат”).

5-6 синф ўкувчилдар билан ҳаркатли ўйинларни ўтказишида қўйидаги вазифалар хал этилади: ўйин вазиятида гимнастика, енгил атлетика, ҳаракатларини мустахкамлаш ва такомиллаштиришда; тезликни ривожлантиришда; кичик ва катта коптокни улоқтириш ва илиб олиш малакалрини кейинчалик такомиллаштиришда; эпчиллик ва тезликни куч билан бир-бирига қўшиб ривожлантириш, шунингдек ҳаракатни бир-бирига тўғри келиши, ўртоқларига, бир-бирига ёрдам бериш, ижодий фаоллик вақтини ва фазода тўғри ориентр олишни билишни тарбиялайди. “Кучлилар ва чаққонлар”, “Тўсиқли эстафета”, “Кучли отиш”, “Тўп учун кураш”, “Тўп ўртага”, “Волейболчилар лаптаси”, “Доирага тортиш”, “Мерган ва чаққон”, “Тўртта устун ёрдамида ўйин”, “Тўп капитанга” (21 расм)

1.Узун таёқ эстафета» ўйини (1-расм). Ўкувчилар 2-3 командига бўлинадилар ва икки кишилиқ колонна бўлиб, узун таёқни (шитни) қўлга оладилар. Таёқни ўнг томонда тургуналар ўнғ қўл билан, чап томонда тургуналар чап қўл билан ушлайдилар. Ҳар бир колоннанинг олдида 10-15м масофада байроқчалар ўз байроқчаси томон югуриб бориб атрофидан айланиб ўтиб бўлиб жойига турган команда ғолиб ҳисобланади. Ўқитувчи командалар орасидаги масофага эътибор бериши керак, чунки байроқни айланиб ўтаётганда таёқлар бир бирига тегиб кетиши мумкин эмас. 4-5 марта қайтарилади.

2.«Мерган» ўйини (2-расм). Ўқувчилар икки командаға бўлиниб, юзлари бир-бирига қараган ҳолда сафга турадилар. Ўртага ҳар бир команدادан 6-8м нарида булава қўйилган бўлади. Сигнал берилиши билан ҳар қайси қатордаги болалар галма-галдан тўпни булавага отиб уни уриб йиқитишига ҳаракат қиласидилар. Қайси команда булавани қўпроқ уриб туширган бўлса, ўша команда ғолиб ҳисобланади.

3.«Тақиқланган ҳаракат» ўйинини ўтказишида ўқўвчилар ораларини очиб бир шеренга бўлиб сафланадилар. Ўқитувчи ўқувчиларга аввалдан уқтириб тақиқланган ҳаракатлардан ташқари ҳамма ҳаракатларни ўзи билан бирга бажаришни тайинлайди. Масалан, қўлларни елкага қўйиш тақиқланган ҳаракат, дейлик. Ўқитувчи ҳар хил машқларни бажарди, ўқувчилар унинг ҳаракатларини такрорлайди. Шу ҳаракатларни бажариш жараёнида ўқитувчи қўлларини тўсатдан елкасига қўяди, яъни тақиқланган ҳаракатни бажарди. Ўйинчилардан кимда ким шу ҳаракатни бажариб қўйса, у бир қадам қўйган бўлса, у энг кўп хато қилган ҳисобланади. Ҳар қайси машқдан сўнг тақиқланган ҳаракат алмаштириб борилди. у тарзда ўйин ўз ичига ҳар хил ҳаракатларни олади.

4.«Биз қўвноқ болалар» ўйин. Ўйновчиларнинг ҳаммаси майдончанинг бир томонидаги чизиқнинг орқасида туриб қўйидаги сўзларни гапирадилар: «биз қувноқ болалар югуриш ва ўйналашни севамиз, қани бизга етиб кўрингчи». Бу сўзларни айтиб бўлганларидан кейин ҳамма болалар қарама-қарши томондаги хонага югуриб ўтадилар, онабоши эса майдончанинг ўртасида туриб уларни «тутишга» ҳаракат қиласиди. «Тутиилганлар» онабошига ёрдамчи бўлиб қоладилар. Ҳамма ўйинчилар тутиб бўлингандан сунг, ўйин тугайди. Чизиқдан ташқарида ушлаш мумкин эмас. Ўйинчиларнинг майдончадан ташқарига югуриб чиан этилади.

5.«Қопқон» ўйини (4-расм) бадарилади. Ўқувчилар бир-бирининг ичига жойлашган икки айланага ҳосил қилиб турадилар, 6-8 ўйинчилар ички айланада турадилар. Булар сичқонлар вазифасини ўтайдилар. 13-15та ўйинчи ққон ролида бўлиб, ташқи айланага сафланадилар. Иккала айланадагилар ҳам

қўл белда турган ҳолда ички айланадигалар ҳам қўл ушлашиб турадилар. Ўқитувчининг биринчи сигналида қўллар белда турган ҳолда ички айланадагилар ўнг томонга ён билан юрада ташқи доира юришдан тўхтайди ва ўйинчилар қўлларини юқорига кўтарадилар. Бу-қопқон очилганини ифодалайди. Бундан фойдаланган «сичқонлар» айланади ташқарига чиқиб ва ичкирига 2 марта чапак чалингандага қопқон бекилади, ташқи айланадаги ўйинчиларга қўшилиб айланани кенгайтидилар. Ўйин 2-3 та ўйинчи тутилмай қолгунча давом эттирилади. Қўлга тушмаган ўқувчилар рағбатлантирилади. Ҳамма ўйинчилар сичконлар ролини бир-бир ўйнашлари лозим.

6.«Бойқушча» ўйини (5-расм). Майдончадан бойқушча яшайдиган «уя» ажратилади. Қолган ўйинчилар эса капалак, чиётгандек харакат қиласидилар, эркин югуриб юрадилар. Ўқитувчи «тун» деганида ҳаммалари таққа тўхтаб, капалакнинг қанот қоқиши, чигиртканинг қўлларига таяниб туриши ва ҳоказо ҳолатларни ифодаланган ҳолда қимирламасдан турадилар. Худи шу командадан сўнг бойқушча уясидан чиқиб, ким ухламаётганини текшириб чиқади. Кимда- ким қимирлаб қолса, «бойқушча» ўни қўлидан ушлаб ўз «уя»сига олиб кетади. 15 секунддан сўнг ўқитувчи «кун» дейди. Гунда «бойқушча» учиб кетади, ҳамма ўйинчилар bemalol югуриб юраверадилар. «Бойқушча» кимни ўз «уя»сига олган бўлса, ўша ўйинчига жарима очко берилади.

7. «Дўнгдан-дўнгга сакраш» ўйини (7-расм). ўйинчилар бир неча командага бўлиниб, бир кишилик колоннага сафланган ҳолда старт чизиги олдида турадилар. Стартдан финишгача бўлган тўғри йўналишда бир-биридан 60-80см оралиқда, диаметри 25-30см 10-12та айлана (дўнг) чизилади. Ўқимтувчининг сигнали билан команадаларнинг дастлабки ўйинчилари стартдан финишгача дўнгдан-дўнгга сакраб борадилар ва орқага югуриб келиб, ўзларининг колоннаси орқасига ўтиб турадилар. Биринчи югуриб келган ўйинчига 5 очко, иккинчи ўйинчига 4 очко, учинчисига 3 очко берилади. Шундан сўнг пойгачилар югуришни давом эттирадилар. Ўйин охирида энг кўп очко тўплаган команда ғолиб чиқади.

8. «Бўш ўрин» ўйини (8-расм).

Бошқарувчи ўйинчидан бошқа хамма ўйинчилар бир-биридан бир қадам оралиқда айлана ҳосил қилиб турадилар. Бошқарувчи айлана атрофида юра туриб ўйинчилардан бирини аста туртади ва у ёхуд бу томонга қараб югуради. Кўл теккан ўйинчи эса қарама-қарши томонга югуриб тезроўз ўрнини, яъни бўш турган жойни эгаллаб олишга ҳаракат қиласи. Айлана атирофидан югуриб келиб, бўш жойни биринчи эгаллаб олган ўйинчи ўша ерда туриб қолади. Етиб кела олмаган ўйинчи бошқарувчи бўлиб қолади. Ўйин яна давом эттирилади. Югуриш мусобақасини оёқда сакраш билан ҳам алмаштириш мумкин.

9.«Сакрободом чумчуклар» ўйини (9-расм). Майдонга диаметрини катта олиб доира чизилади. Онабоши, яъни «катта қуш» доира ташқарисида туриб доирага сакраб кирадилар, «катта қуш» эса уларни тушишга ҳаракат қиласи (қўлини тегизади). «Чумчаклар» доира ичидаги купроқ туришга ва тутилиб қолмасликка ҳаракат

қилиб, доирадан сакраб чиқадилар. Агар «катта қүш» доира ичидә турган «чумчуқни» ушласа, унда чумчуқ билан «катта қүш» ўринларини алмаштирадилар. Ўйин шу тарзда давом эттирилади.

10.«Тўпни бошдан ошириб узатиш» ўйини (10-расм). Ўйичилар 2-4 та команда га бўлинадилар. Ҳар бир команда алоҳида-алоҳида бир қатордан колонна бўлиб туради (командаларнинг оралиғидаги масофа 2-3 м). Колонна ўйинчилари орасидаги масофа эса бир қадамдан ошмайди. Ҳар бир команда нинг биринчи бўлиб турган ўйинчилари қўлида волейбол ёки баскетбол тўплари бўлади. Ҳамма ўйичилар қўлларини юқорига кўтариб туради. Ўқитувчини сигнал бергандан кейин ўйинчилар тўпларини бошларидан ошириб орқаларида турган ўйинчиларга узатади. Колонна охирида турган ўйинчилар тўпни олгач, ўз командаларининг ўнг томонидан югуриб келиб, колонна олдида биринчи бўлиб туриб олади ва тўпни бошларидан ошириб узатади. Ўйинни бошлаган ўйинчи колонна охирига еткандан сўнг тўпни олади ва ўнг томондан югуриб келиб яна биринчи бўлиб ткради ва тўпни юқорига кўтаради. Тўп узатишни тез бажарган команда ғолиб ҳисобланади.

11.«Тўп қўшнига» ўйинит (11-расм). Ўйичилар бир-бирларидан 3 қадам нарида туриб айлана ҳосил қиласди. Онабоши эса айлананинг ташқарисида юради. Ўйичилардан бири баскетбол тўпини ушлаб туради. Ўқитувчининг сигнали бўйича тўпни ушлаб турган ўйинчи уни ёнидаги шеренгача узатади, у эса кейинги ўйинчига узатади. Онабоши айланага кирмаган ҳолда тўпга етиб олишга ва унга кўл тегизишга ҳаракат қиласди. Агар тўпга етиб олиб, унга кўл тенгизса, ўйинчи билан ўз ўрнини алмашади. Ўйин давом этади. Тўп олган ўйинчи ёндагиси қолиб, ундан наридаги ўйинчига тўпни ўзатиб юбориши мумкин эмас.

12. «Үйсиз қуён» ўйини (12-расм). Икки бошқарувчидан ташқари барча ўйинчилар 3-5 киши бўлиб группаларга бўлинадилар. Ҳар қайси группа қўл ушлашиб айлана ҳосил қиласди. Айланалар майдончанинг хар ер-ҳар ерида бир-биридан 3-6 қадам нарида туради. Ҳар қайси айлана уя хисобланади ва ўртасига биринчи рақамли ўйинчилар туриб қуён номини олади.

Бошқарувчидан бири овчи, иккинчиси эса үйсиз қуён бўлади.

Ўқитувчининг ишораси билан үйсиз қуён овчидан қочиб кетади ва ўзи истаган уяга кириб олиши мумкин, аммо у ердан қуён тез қочиб чиқиши лозим, овчи бўлса уядан чиққан қуённи таъқиб қилишда давом этади. Овчи қуённи тутиб олса, у ҳолда улар ўрин алмашадилар. Уяга кирмасдан қочиб юришига рухсат этилмайди.

13. «Сакраш элементлари билан эстафета» ўйини (13-расм). Ўйинчилар 3-4та командага бўлинадилар. Ҳар бир команданинг ўйинчилари бир қатордан колонна бўлиб турадилар. Ўқитувчининг ишораси билан юбиринчи турган ўйинчилар белгилаб қўйган жойгача бир оёқлаб сакраб боради ва орқага қайтиб келиб, эстафета таёқчасини иккинчи ўйичига тутқизади. Навбатдаги ўйинчилар олдинги ўйинчиларнинг ишини такрорлайдилар ва ҳоказо. Эстафетани биринчи бўлиб тугатган команда ғолиб хисобланади.

14. «Қүёнлар полизда» ўйини (14-расм). Майдончада диаметри 8-10 м келадиган айлана чизилади, бу айлана полизни билдимради. Унинг ўртасида қоровул туради (онабоши). Қолган ўйинчиларнинг ҳаммаси – «қуёнлар». «Қуёнлар сакраб- сакраб полизга киради, ўтларни, меваларни узиб етгандай бўлади ва қайтиб чиқади. Қоровул (онабоши) уларни қўққисдан ушлашга киришади. Полиз ичида қўл теккизилган «қуёнлар» ушланган хисобланади. 3-4 қуён ушлангандан сўнг, бошқа онабоши сайланади. Бир марта хам қўлга тушмаган ўйинчилар ғолиб хисобланади.

15. «Петначи» ўйини (бир оёқда сакраш) (15-расм). Петначи- битта онабоши сайланади, қолган ўйинчиларнинг ҳаммаси майдон бўйлаб туради. Петначи бир оёқда сакраб ўйинчиларни қувиб етишга ҳаракат қиласи, ўйинчилар ҳам бир оёқда сакраб, унга чап берадилар. петначи ўйинчиларни югуриб ушлаши мумкин эмас, ўйинчи эса петначидан сакрамасдан қочиши мумкин.

16. «Картошқа әкиш» ўйини (16-расм). Ўйинчилар 3-4 командаға бўлиниб бир қатордан бўлиб алоҳида-алоҳида колонналарга сафланади (старт чизиги орқасида). Колонналардаги биринчи ўйинчилар 5-10 дона картошқа солиб олинган қопчиқ ушлаб туради. Старт чизигидан 20-30м нарида ҳар бир колонна рўпарасида 5тадан айлана чизилган бўлади. Ўқитувчининг сигнали билан ҳар бир ўйинчи белгиланган айланаларга югуриб бориб, ҳар бир қопчиқни навбатдаги ўйинчига беради, ўзи эса колоннанинг охирига бориб туради. навбатдаги ўйинчилар олган қопчиқларини қўтариб «экилган» картошкани ковлаб олади. Картошкани тез экиб, тез йифиб олган колонан ғолиб ҳисобланади.

17. «Кам очко тўплаш» ўйини (17-расм). Уч команда бир қатордан бўлиб алоҳида-алоҳида колонналарга сафланадилар. старт чизигидан 15-20м нарида учала командланинг рўпарасига доира чизилиб унинг ичига гимнастик таёқача қўйилади. Ўқитувчининг сигналига кўра ҳар бир колоннанинг биринчи чизигидан айланагача югуриб боради ва ундаги таёқчани олиб, бир учинчи ерга уч марта уради-да, жойига қуяди, сўнгра югуриб старт чизигига қайтариб келади ва колонна охирига бориб туради. Биринчи бўлиб етиб келган ўйинчи бир, иккинчи бўлиб келган эса икки очко олади. Кейин иккинчи бўлиб турганлар югуради ва ҳоказо. Ўйин охирида энг кам очко тўплаган команда ғолиб чиқади.

18. «Арғамчи устида сакраш» ўйини. Йўғон арқонча ёки арғамчининг икки учидан икки учидан икки бола ушлаб, навбат кутиб турган болалар томонига бир маромда оҳиста айлантирадилар. Болалар арқончага тегмасдан навбатма- навбат сакрайдилар. Арқончага ким тегиб кетса, ўша арқончани айлантираётганларнинг бири билан ўрин алмашади.

19. «Зовурдаги бўри» ўйини (19-расм). Зал ўртасига бир-биридан 60-70см узоқликада иккита парллел чизик чизилади, у зовур вазифасини ўтайди. Битта ёки иккита бошқарувчи, яъни «бўрилар» зовурда турадилар. Қолган ўқувчилар «эчки» ҳисобланади. «Эчкilar» залнинг бир томонидаги чизикларда-ўз уйларида бўладилар. Залнинг қарама-қарши томонига яйловни тасвирлайдиган чизиклар чизилади. Ўқитувчининг сигналига биноан «эчкilar» уйларидан чиқиб, зовурдан сакраб, яйловга югуриб ўтадилар. «Бўрилар» уларни тутишга ҳаракат қиласиди. Ҳар бир югуришдан сўнг қулга тушганлар санаб чиқилади. Сўнг Янги «бўрилар» сайланади. Энг чаққон ўқувчилар рағбатлантиради.

20. «Ўртага тўп узат» ўйини (бир оёқда сакраб) (21-расм). Старт чизигига 8-10 ўйинчи чиқарилади. Ўқитувчининг берган командасидан кейин болалар финиш чизигигача (старт чизигидан финиш чизигигача бўлган масофа 10-12м бўлади) бир оёқда сакраб келиб ким тез етиб боришга мусобақлашади. Ўқитувчи ғолиб чиқсанларни, шунингдек, 2-3 ўринни эгалланларни рағбатлантиради. Сўнг бошқа ўйичиларни стартга чақиради. Командадан олдин сакрашга рухсат этилмайди. Ёнидаги шеренгада-сакраб кетаётганларга халақит бериш мумкин эмас.

